Ушбу сонда:

2 ТУЯНИ ШАМОЛ УЧИРСА...

ИШОНЧЛИ ЧОРА
ёки шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш афзалликлари

3 ЭЪТИБОРСИЗЛИКМИ ЁКИ ХАТО?

4 ГОТФРИД ЛЕЙБНИЦ: МАНГУЛИККА ДАХЛДОРЛИК

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 16 (323)
2003 йил
22 АПРЕЛ
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқига эга.

Ахборот олиш фақат қонунга мувофиқ ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий қадриятлари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин.

"АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 4-МОДДА.

Bizning sharh

ЕР ЭГАСИ МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТИ

Деҳқон ерга ишлов бериш жараёнида ундан қувват олиб, чарчаш нелигини унутса, замин деҳқон меҳнатидан жонланади. Бу табиий жараён она диёримизда асрлар оша давом этиб, элу юрт дастурхонидан қут-барака аримаган. Деҳқончилик — табиий ва эркин соҳа. Лекин ўтган асрга келиб, деҳқонларимиз фаолиятига сунъий аралашувлар туфайли ернинг табиий таркиби бузилиб, унга турли хил заҳри қотиллар солинди. Юртимиз истиқлолига эришганидан кейингина бундай тажовузга барҳам берилиб, ер яна ўз эгасини топди.

Ўтган давр мобайнида ерни ҳақиқий эгаларига бериш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Аввало, бу жараённинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди. **"Деҳқон хўжалиги тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"**ги каби қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Айни вақтда айрим ҳудудларда шакл ўзгариб, моҳият эскича қолаётгани, фермер ва пудратчилар соясида меҳнат қилмай даромад топаётганлар ҳам борлиги, баъзи тайёрлов ташкилотлари ҳамон эски монопол мавқеини бой беришни истамай пахтакору ғаллакорларга адолатсиз муносабатда бўлаётгани ҳам кўзга ташланмоқда.

Шу йилнинг 24 март куни қабул қилинган Президентимизнинг **"Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"**ги Фармони бундай салбий ҳодисаларга қатъиян чек қўйиш, ризқ-рўзимизни яратувчи деҳқонларимизнинг том маънода эркин ва мустақил меҳнат қилишлари учун янада кенг имкониятлар очиб берди.

Бир сўз билан айтганда, бу ҳужжат деҳқоннинг кўчасига ҳақиқий байрам олиб келди. Унда асосий ишлаб чиқариш бўғини ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини пухта таъминлашга қаратилган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, тайёрлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий техника ресурслари етказиб берувчилар, молия-банк муассасалари ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятини ушбу мақсадга бўйсундириш кўзда тутилганининг ўзи таҳсинга лойиқдир.

Шу билан бирга, товар ишлаб чиқарувчилар хўжаликларнинг ихтисолашувини ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномаларига асосан экинларнинг мустақил равишда жойлаштирилиши ҳам соҳа истиқболини белгиловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Чунки асосий бойлигимиз бўлган ернинг тилини фақат деҳқон билади. Унга қаерга нима экишни ўргатиш, буюришнинг оқибати нималарга олиб келгани шўро замонидан маълум. Шу боис, бу жараён деҳқонларимизни руҳлантириб, ишонч ва қатъият билан фаолият юритишга йўл очади.

Хўжаликлар ўз меҳнати натижаларини, шу жумладан, етиштирилган маҳсулотни, ўзларига тегишли мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни ўз хоҳишига кўра тасарруф этиши қишлоқларимизнинг гуллаб-яшнаши ва халқ фаровонлигига хизмат қилади.

Фермонда ер майдонлари фермерларга танлов асосида эллик йилгача муддатга (ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан) ижарага фойдаланиш учун берилиши белгилаб берилгани қишлоқ хўжалигида меҳнатга муносабатни тубдан ўзгартиради. Айниқса, кучқувватга тўлган қишлоқ ёшларини иш излаб шаҳарма-шаҳар юриши ёки осон даромад топиш илинжида хорижни орзу қилишларига барҳам беради.

Фермонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг **мустақиллигини кенгайтириш** билан бирга уларнинг ишончли ҳуқуқий **муҳофазасини кучайтириш масаласига ҳам алоҳида** аҳамият берилган. Хусусан, соҳада шартномавий муносабатларни янада такомиллаштириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар қайд этилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, эркинлик ва тенглик тамойилларига асосланган шартномавий муносабатлар бугунги кунда иқтисодий фаолиятнинг асосий негизига айланди. Шу вақтга қадар шартнома қонунчилигига тўлиқ мос бўлган муносабат ҳали шаклланмаган эди. Сабаби шартноманинг моҳиятини тўғри англаб муносабатга киришаётганлардан кўра, расмиятчилик учун қоғоз тўлдираётганлар кўпчиликни ташкил этарди. Шу билан бирга, уларнинг ижроси борасида талай муаммолар мавжуд бўлиб, мукаммал назорат механизми йўқ эди.

Одатда, ҳуқуқи бузилган фермер ёки пудратчининг ўзи мурожаат этгандан кейингина унинг манфаатлари ҳимоя қилинарди. Бу жараёнда эса қонун ҳимоясидан четда қолаётганлар ҳам бор. Шунингдек, ўз вақтида бажарилмаган шартнома мажбуриятини вақт ўтгандан сўнг қонун йўли билан бажарилишини таъминлашдан деҳқонларимиз кўпчилик ҳолларда тўлиқ манфаатдор бўлолмасди.

Президентимизнинг мазкур Фармонига мувофиқ энди деҳқон қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб беришда моддий-техника ресурслари ва хизматларни олиш учун шартномаларни тайёрлов, қайта ишлаш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари билан тўғридан-тўғри ўзи тузади. Мазкур шартномаларда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчининг тайёрлов, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ишлаб чиқариш муносабатларида устувор мавқеининг таъминланиши белгилаб берилди.

Шунингдек, шартномаларда томонларнинг ҳуқуқ ва ўзаро мажбуриятлари аниқ белгиланиб, маҳсулот етказиб бериш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш ҳамда шартномалар бўйича ўзаро ҳисобкитобларнинг тартиби ва аниқ муддатлари кўрсатиб ўтилиши қайд этилган. Шартномавий муносабатлар мазмуни ва моҳияти бош вазифа — асосий маҳсулот ҳисобланган пахта толаси, дон ва бошқа маҳсулотларни энг кам сарф-харажат билан етиштириш вазифасига эришишга бўйсундирилган.

Фермонда яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, эндиликда шартнома мажбуриятларининг ижроси учун томонларнинг жавобгарлиги аниқ белгилаб қўйилади. Айтиш жоизки, шартномавий муносабатларда барча муаммолар ижро муддати ва жавобгарликнинг аниқ белгиланмаслиги оқибатида келиб чиқарди. Айни шу масалаларга аниқлик киритилишининг ўзи самарали натижа беради.

Бугунги кунда Адлия вазирлиги томонидан мазкур Фармондан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш борасида қизғин иш олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалигида шартномалар тузиш ва уларни бажариш чоғида белгиланган меъёр ҳамда талабларга хўжалик юритувчи субъектларнинг риоя этиши устидан мунтазам назорат ўрнатиш бўйича аниқ механизм яратиш устида иш олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи деҳқонга хизмат кўрсатувчи барча соҳалар томонидан шартномалар бажарилиши ҳар бир вилоятда адлия бошқармалари томонидан тўлиқ назоратга олинади.

Айни вақтда вазирликнинг шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бошқармаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги шартномалар бўйича иш олиб берувчи соҳалар билан ўз фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда фаолият юритади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Фармон асосида қишлоқ хўжалик корхоналарининг мустақиллиги кенгайтирилиб, ҳар бир бошқарув ва хўжалик юритувчи субъектнинг вазифа ҳамда мажбуриятлари аниқ чегараланиб, ширкат хўжалигида кадрлар масалаларини ҳал этишнинг демократик шакллари жорий этилиши ҳамда қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятига маъмурий аралашувларга барҳам берилиши деҳқонларимиз орзу қилган адолат тантанасидир.

Шокир САИДОВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

O'ZBEKISTON ва дунё
кеча, бугун, эртага

☑ *Шу йилнинг 21-23 апрел кунлари Руминия Президенти Ион Илиеску расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.*

☑ *Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.*

☑ *14-16 апрел кунлари Вашингтонда АҚШ—Ўзбекистон қўшма кенгаши доирасида Хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Америка сиёсий маслаҳатлашувлари бўлиб ўтди.*

☑ *Мамлакатимиз ва Германия Федератив Республикаси ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганлигининг ўн йиллиги муносабати билан "Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонаси. Дипломатик ваколатхона ва маданият маркази" номли китоб чоп этилди.*

☑ *"British Airways" авиакомпаниясининг «Тошкент—Лондон—Тошкент» йўналиши мунтазам йўлга қўйилди.*

☑ *Вашингтонда "Ўзбекистон музейлари дурдоналари" кўргазмаси ташкил этилди.*

"ИНСОН ва ҚОНУН"га

ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Газетанинг шу йил 25 мартдаги 12-сонида чоп этилган "Йўқолган" тақдимнома" сарлавҳали мақола Тошкент вилояти прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

Мазкур мақола шу йилнитнг 27 март куни Чиноз туман ҳокимлигининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, ҳокимлик умумий бўлим мудири Ф.Ибрагимов, ижрони назорат қилиш гуруҳ раҳбари Х.Назарова, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ходими А.Йўлдошевлар ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашганликлари сабабли вилоят адлия бошқармасининг тақдимномаси ўз вақтида кўриб чиқилмагани ва тегишли чоралар кўрилмагани аниқланган. Туман ҳокимининг шу йил 26 мартдаги 18-сонли фармойиши билан ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари учун Ф.Ибрагимов, Х.Назарова, А.Йўлдошевларга нисбатан "ҳайфсан" эълон қилиниб, интизомий жавобгарликка тортилган ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Д.Тешабоев ва унинг иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари Б.Зуфаровлар келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилган. Шунингдек, туман ҳокимлиги ва унинг бўлимлари, корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларига ижро интизомига риоя этиш масалаларига эътиборини янада кучайтириш вазифалари юклатилган.

Чиноз туман ҳокимлиги томонидан тақдимномани кўриб чиқилгани ва белгиланган чоралар ҳақида газета тахририятига ёзма равишда жавоб хати юборилган.

Вилоят адлия бошқармасининг 2003 йил 16 январ кунги тақдимномаси Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлигига жорий йилнинг 26 январ куни келиб тушиб, рўйхатга олинган.

Тақдимномада кўрсатилган ҳолатларни ўрганиб чиқиш учун туман ҳокими томонидан биринчи ўринбосари Р.Ҳикматовга, у томондан эса ер ажратиш комиссияси раиси А.Убайдуллаев ва деҳқон-фермер хўжаликлари вакиллиги раҳбари К.Раззоқовларга топширилган.

А.Убайдуллаев ва К.Раззоқовлар томонидан тақдимнома ўрганиб чиқилиб, уларнинг тавсияларига асосан жорий йилнинг январ-феврал ойларида ширкат хўжаликларида ўтказилган умумий йиғилишларда тақдимномада кўрсатилган тавсия ва кўрсатмалар ижросини қонунда белгиланган тартиблар асосида фермер ва ширкат аъзолари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда таъминлаш чоралари кўрилган ҳамда тегишли фермер хўжаликларига қўшимча ер ажратиш тўғрисида қарорлар қабул қилинган. Лекин тақдимномага белгиланган муддатдан кечикиб, яъни 2003 йил 6 март куни 1-15-79-сонли хат билан жавоб юборилган.

Туман ҳокими томонидан ушбу қонунбузилишига йўл қўйган туман ҳокимлиги ер ажратиш комиссияси раиси А.Убайдуллаев, деҳқон-фермер хўжаликлари вакиллиги раҳбари К.Раззоқов ҳамда назоратни сусайтириб юборгани учун ҳоким биринчи ўринбосари Р.Ҳикматов огоҳлантирилган.

Ҳ. МАҲМУДОВ,
Тошкент вилояти прокурорининг ўринбосари

Bugunning gapi

ТАДБИРКОР КЎНГЛИГА ЙЎЛ

қорақалпоғистонлик тадбиркорлар ўртасида ўтказилган сўровлар таҳлили нималарни кўрсатади?

Мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракати йўлидаги муаммолар ва тўсиқларни аниқлаш борасида тадбиркорлар ўртасида сўров ўтказиш мунтазам йўлга қўйилди. Яқинда 900 нафар қорақалпоғистонлик тадбиркорлар ана шундай саволномада иштирок этишди. Саволларга берилган жавобларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, тадбиркорлик фаолиятига ғов бўлаётган тўсиқлар ҳали кам эмас. Хусусан, сўровда иштирок этганларнинг 282 нафари тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда, 124 нафари тадбиркорларга ер ажратиб берилишида, 157 нафари кредит олишда, 38 нафари рухсатнома (лицензия) берилишида, 46 нафари турғун савдо учун жой ёки бинони ижарага олишда белгиланган муддатларга амал қилинмагани ва 433 нафар тадбиркор раҳбарлик идораларида қонунчиликда кўзда тутилмаган ортиқча ҳужжатлар талаб қилинганини билдиришган.

Аниқ мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Нукус шаҳар меҳнат бўлими 2 нафар ишчиси бўлган "Стомасервис", "Роберт", "Умман", 3 нафар ишчиси бўлган "Маъмура" хусусий фирмалари, 2 нафар ишчиси бўлган "ДАФ" кичик корхонаси, бир нафар ишчиси бўлган "Сейтун" микрофирмасидан ўтган йилнинг турли чорак якунлари бўйича ҳисоботлар талаб этган. Шунга ўхшаш ҳолатга Хўжайли туманидаги "Жугинис-Истек" хусусий фирмасини давлат рўйхатидан ўтказишда ҳам йўл қўйилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Jurnalist surishtiruvi

"...Фирмамиз жамоаси бундан икки йил илгари Термиз шаҳрида қад ростлаган "Тадбиркорлар маркази" биноси қурилишида фаол иштирок этиб, 4 миллион 296 минг сўмлик қурилиш ишларини амалга оширган эди. Ўшанда биз тадбиркорларга мададкор, ҳар бир ишимизда маслаҳатгўй, яқин кўмакчи бўладиган марказ биноси қурилишида иштирок этаётганимиздан беҳад хурсанд бўлгандик. Аммо бино қад ростлагач, хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади. Гап шундаки, меҳнат ҳақимизнинг бир қисмини югур-югур қилиб олган бўлсак, қолган 2 миллион 499 минг сўмлик маблағимизни ололмай оворамиз. Гапнинг рости, қонуний маблағимизни ундириб олишнинг чегараси ҳам, манбаси ҳам кўринмайди...

Бу муаммо юзасидан бир қатор мутасадди идораларга мурожаат қилдик. Лекин ҳеч қандай натижа чиқмади. Буёғига қандай йўл тутишни билмай ҳайронмиз".

"Теран" хусусий фирма бошлиғи Ойбек Норбоевнинг таҳририятга йўллаган шикоят хатидан кўчирма.

ҚАРЗНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

Очиғи, шикоят хати билан танишиб чиққач, унда қайд этилган далилларга гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай сафарга отландик. Ахир, "Тадбиркорлар маркази" вилоятда нуфузли идора ҳисобланади. Наҳотки, шундай марказда ҳам тадбиркорни сарсон қилишса, деган фикрга бордик.

Дарвоқе, Термиз шаҳри марказидаги ҳашаматли бино кўркамлиги билан ҳар бир йўловчининг диққатини тортади. Бу ҳашаматли бино бугунги кунда тадбиркор, фермерларнинг серқатнов масканига айланиб қолганига гувоҳ бўлдик. Бунинг сабаби эса аксарият ҳолларда бир муаммога бориб тақалади. Яъни тадбиркорлар ана шу марказдан қарзларини ундиролмай овора.

— 2001 йилнинг 5 февраль кунидаги 12-сонли шартнома асосида, — дейди "Теран" хусусий фирма бошлиғи Ойбек Норбоев — 4 миллион 296 минг сўмлик иш бажардик. Аммо бажарган ишимиз учун тегишли маблағни ололмай бир йил «чоп-чоп» қилдик. Натижа бўлмагач, 2002 йил 25 июлда вилоят хўжалик судига мурожаат қилиб, пулимизни ундириб бериш учун даъво ариза киритдик. Хўжалик суди 19-0205-809-сонли иш бўйича ҳал қилув қарорини чиқариб, қарзни ундиришга қаратилган ижро варақасини қўлимизга тутқазди. Биз ҳатто суд қарорига ишониб, яқин кунларда ўзимизга тегишли маблағни олсак бўлди, деган фикрда ундирилиши лозим бўлган моддий зарарнинг 2 миллион сўмидан ҳам воз кечган эдик. Афсуски, барча ниятларимиз пучга чикди. Мана, суд қарорининг чиққанига ҳам бир йилга яқинлашмоқда, лекин ҳануз маблағимизни олганимиз йўқ.

(Давоми иккинчи бетда)

Talab, taklif, mulohaza

ТАКОМИЛ ЗАРУРАТИ

Газетанинг 18 март сонида чоп этилган ҳуқуқшунос Мавжуда Ражабованинг "Жазо мантиғи" мақоласида долзарб мавзуда фикр юритилган, қонунларимизни янада такомиллаштириш таклифлари мисоллар билан ёритиб берилган. Масалан, Жиноят кодексининг 44-моддасига мувофиқ жарима энг кам ойлик иш ҳақини олти юз баробаригача тайинланиши назарда тутилган. Маҳкум бу жаримани уч ой давомида тўламаса, жариманинг 72 баробари ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилади, 528 баробарини тўлашдан эса халос бўлиб қолади. Агар маҳкум жарима тўлашдан атайин бош тортса, суд жариманинг кўпи билан 60 ойлигини олти ой қамоқ билан алмаштиради. Натижада судга бўйсунмаган шахс 540 баробардаги энг кам иш ҳақи миқдорида жарима тўлашдан озод бўлади. Бу ҳолат ўз навбатида ҳали бу борада муаммолар мавжуд эканини кўрсатади.

Муаллифнинг жарима жазосини ижро этишга оид таклифларида жон бор. Ҳақиқатан ҳам, жазони ижро этишга оид қоидалар Жиноят кодексида ҳам, "Жиноят-ижроия кодекси" деб аталувчи, жазо ижросини тартибга солувчи қонун ҳужжатида ҳам ўзгартирилиши лозим. Ана шундагина ҳар бир шахс нопок қилмиши учун жазо муқаррарлигини англаб етади.

Жазо муқаррарлигига зид бўлган яна бир қоида Жиноят кодексининг 46-моддасида ҳам мавжуд. Мазкур моддага мувофиқ ахлоқ тузатиш тариқасидаги жазо олти ойдан уч йилгача тайинланади. Агар шахс ана шу жазонинг ўн фоизидан камини ўташдан бўйин товласа, нима учундир унга ҳеч қандай чора кўрилмайди. Масалан, уч йил ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланган маҳкум жазонинг охирги уч ойини ўтамаслиги, ҳукмни менсимаслиги мумкин. Бунинг учун унга бирор бир чора кўрилмайди. Аммо шу жазонинг охирги тўрт ойини ўташдан бош тортган шахс шу муддатга озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Шунингдек, Жиноят кодексининг 139-моддаси оммавий ахборот воситаларида туҳмат қилганлик учун уч йилгача ахлоқ тузатиш жазосини кўзда тутади. Аммо ана шундай жазо тайинланган шахс уни ўташдан бўйин товласа, уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилиши шарт. Ана шу уч ҳолат жазо мантиғига мутаносиб эмас. Бу эса ушбу ҳолатларни бартараф этишни тақозо этади.

Таъкидлаш ўринлики, жазо ижтимоий адолатни тиклаш воситасидир. Жиноят учун жазо қонунда ман этилган қилмишлар учун фақат суд томонидан қўлланилади. Жазо жиноятчининг қилмишига яраша берилади. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда жазоларни либераллаштириш давом этмоқда. Хусусан, баъзи бир жиноятлар учун фақат озодликдан маҳрум қилиш жазосини эмас, балки ахлоқ тузатиш ишлари, жарима солиш чоралари билан кифояланиш таклиф этилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Jurnalist surishtiruvi

ҚАРЗНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Вилоят хўжалик судининг 2002 йил 25 июлдаги ижро варақасида **"Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал Кодексининг 218-моддасига биноан, ижро варақаси топширилган банк ёки бошқа кредит муассасаси пул маблағларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатини ижро этмагани учун унга хўжалик суди ундирилиши керак бўлган маблағнинг 50 фоизигача миқдорда жарима солади. Ижро варақасида кўрсатилган ҳаракатларни бажариш зиммасига юклатилган шахс ана шу ҳаракатларни бажармаганлиги учун унга энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорида жарима солинади. Жаримани тўлаш суд ҳужжатларини ижро этиш мажбуриятидан озод қилмайди"**, дея таъкидланган. Қонундаги бу талабларни ўқиб, "Тадбиркорлар маркази" раҳбарлари журналистик суриштирув чоғида биз аниқлаган маблағ эгаларига бир умр қарз тўлашдан бошлари чиқмаса керак, деган фикрга келганимиз ҳам бор гап. Чунки "Тадбиркорлар маркази"дан ҳақини ололмай юрганлар кўпчилик. Шундай бўлса-да, вилоят Давлат мулк қўмитаси раҳбари Жуманазар Холиёровга учрашдик.

– Аслида қарзимиз 80 миллионга етади, — дея сўз бошлади Ж.Холиёров. — Бу масаланинг ечимини тополмай бошимиз қотиб қолган. Энди марказнинг эски биносини сотувга қўймоқчимиз. Шундан тушадиган маблағ эвазига қарзларни қопламоқчи эдик. Лекин очиғини айтадиган бўлсам, яқинда аттестациядан мен ва ўринбосарим ўтолмадик. Бу нимани англатишини тушунган бўлсангиз керак. Энди ўрнимизга келадиган янги раҳбар қарзларни узар. Ҳозирча ишлаб турибмиз, холос...

Бу жавобга изоҳ беришга ҳожат бўлмаса керак. Суриштирув жараёнида Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги "Ижод" хусусий фирмаси ҳам ўзаро тузилган шартномага кўра, "Тадбиркорлар маркази" биноси қурилишида 46 миллион 427 минг сўмлик иш бажарганининг гувоҳи бўлдик. Бу хусусий фирма ҳам ўз маблағини ундириб бериш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво ариза киритган. 2002 йилнинг 24 июнда кунида суд қарорига кўра ушбу марказга хизмат кўрсатадиган "Тадбиркорбанк"нинг вилоят бўлимига 2-сонли инкассали тўловнома қўйган. Лекин ҳанузгача 35 миллион 527 минг сўмлик маблағни олгани йўқ. "Ижод" хусусий фирма жамоа аъзолари учун 35 ярим миллион сўмлик сармоя жудда катта маблағ. Бошқача айтганда, буни оғизда айтишга осон.

Термиз шаҳридаги "Феруз" хусусий фирмаси ҳам ўзаро тузилган шартномага биноан, ушбу бино қурилишида бундан икки йил илгари 11 миллион 266 минг сўмлик қурилиш ишларини бажарган. Бир қисм маблағини қўлга киритган фирма охири қолган маблағни ундириш учун 2002 йилнинг 25 июнда вилоят хўжалик судига даъво ариза киритган. Суд бу масала юзасидан 2002 йил 25 июнда "Феруз" хусусий фирмасининг қолган 5 миллион 636 минг сўмлик маблағини ундириб бериш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарган. Ана шу суд қарорига асосан "Феруз" хусусий фирмаси 2002 йил 25 июндаги 1-сонли инкассали тўловномани "Тадбиркорбанк"нинг вилоят бўлимига тақдим этган. Мана, орадан ўн ой ўтибдики, суд қарори қоғозда қолиб кетмоқда.

— Биз суд қарорларини бажаришда имкониятдан келиб чиқиб, иш кўрмоқдамиз, — дейди "Тадбиркорбанк"нинг вилоят бўлими бошқарув раиси Янгибой Эшқобилов. — Аммо барча қарзларни қоплаш имкониятидан йироқмиз. Буёғини сўрасангиз, "Тадбиркорлар маркази"нинг ўзи ҳам банкимиздан 10 миллион сўмлик кредит қарзи бор. Ана шу қарз эвазига банкимиз ҳам ночор аҳволга тушиб қолган.

"Тадбиркорлар маркази"дан ўз маблағини ололмай юрган хусусий фирмаларнинг фақат учтаси ўз маблағини ундириб бериш тўғрисида вилоят хўжалик судига мурожаат қилган. Бу ёқда эса марказ раҳбарларининг аттестациядан ўтолмагани сабаб ишдан кўнгли совиган.

Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, энди хусусий фирмаларнинг қарзини ким тўлайди?

Ўйлаймизки, вилоятдаги мутасадди раҳбарлар бу муаммонинг оқилона ечимини топишади ва тадбиркорлик фаолияти йўлига қўйилган сунъий тўсиқларни олиб ташлашади.

Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Huquqiy savodxonlik sari

СПОРТЧИНИ "ОҒДИРИШ" ЖИНОЯТМИ?

Баъзан профессионал спорт мусобақаларининг ташкилотчилари ва қатнашчиларини пора эвазига оғдириш ҳолатлари рўй бераётгани ҳақидаги гап-сўзлар қулоққа чалиниб қолади. Бу ижтимоий хавфли қилмиш спортчилар, судьялар, мураббийлар, команда бошлиқлари, мусобақаларнинг бошқа иштирокчилари ҳамда ташкилотчиларни пора эвазига оғдириш сингари ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир қилишдан иборат. Бунда спортчиларнинг судьялар, мураббийлар, команда бошлиқлари, бошқа иштирокчи ва ташкилотчиларнинг ноқонуний тарзда пуллар, қимматли қоғозлар ёки бошқа мол-мулкларни олиши, моддий хизматлардан фойдаланиши ва шунинг натижасида спорт мусобақаларининг натижаларига ноқонуний салбий таъсир ўтказиши мумкин. Ушбу қилмишнинг Жиноят Кодексининг 210 ва 211-моддаларида (пора олиш ҳамда пора бериш) кўзда тутилган жиноятлардан фарқли жиҳати шундаки, бунда қилмиш субъектлари доираси кенгаяди ва уни тавсиялашда анча кенг тушунчалардан фойдаланилади. Қуйидагилар мазкур ижтимоий хавфли қилмишга хос умумий белгилар ҳисобланади:

1) Предмети сифатида турли моддий бойликлар (пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулклар) ёки мулкий тусдаги хизматлар тушунилади;

2) Бойликлар ва хизматлар бевосита аниқ шахсларга берилади;

3) Бойликларни таклиф қилиш, ваъда қилиш ёки бериш, хизматлар кўрсатиш ва шу орқали мусобақа ёки танлов натижаларига таъсир ўтказишга ҳаракат қилиш.

Ушбу ижтимоий хавфли қилмиш ҳуқуқий жиҳатдан шаклий хусусиятга эга бўлиб, бойлик ва хизматларни ваъда қилиш ёки бериш вақтидан бошлаб жиноий тусга эга бўлади. Бунда мусобақа натижаларига таъсир этишга эришилгани ёки эришилмаганининг аҳамияти йўқ. Субъектив томондан бу қилмиш қасддан содир этилиб, муайян мақсадни кўзлайди. Бу ерда жиноятнинг мотиви унинг таснифига таъсир этувчи мезон бўлиб ҳисобланмайди, балки мазкур хатти-ҳаракатлар учун суд томонидан айбдорга нисбатан адолатли жазо чораларини белгилашда эътиборга олинади. Ақли расо ва 16 ёшга тўлган жисмоний шахслар ушбу жиноятнинг субъекти бўла олади. Шу боис ушбу қилмишини ҳуқуқий жиҳатдан баҳолашда Жиноят Кодексига тегишли ўзгартириш киритиш зарурати бор. Ана шунда бу каби жиноий ҳаракатларга қатъий тўсиқ қўйиш мумкин.

Ойбек ИЗЗАТОВ



Дабусия

Shartnoma qonunchiligi

ИШОНЧЛИ ЧОРА

ёки шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш афзалликлари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жадал суръатда давом этмоқда. Бу борада сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ тармоқларда шартномалар такомиллашгани, раҳбарлар савияси ошганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Бироқ шу билан бирга ҳал ечилмаган муаммолар ҳам йўқ эмас. Ана шундай муаммолардан бири кўпчилик фермерларнинг шартномасиз иш юритишдан воз кеча олмаётганлигидир. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, фермер хўжаликлари томонидан тузилаётган шартномалар ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаяпди. Натижада фермерлар шартнома шартларида фермер хўжалиги манфаатлари нечоғлик акс эттирилганини билишмаётир. Бу эса кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу боис фермерларнинг қонун асосида иш юритиши зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки фермер хўжалиги ҳуқуқшунос ёки адвокат ёрдамида шартномаларнинг қонун асосида тузилишига эришишса, келгусида рўй бериши мумкин бўлган кўпгина кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинади. Ҳозирги пайтда фермер ва хизмат кўрсатувчи ўртасида кўплаб низолар келиб чиқмоқдаки, уларнинг асосий сабаби шартномаларнинг қандай тузилаётганига бориб тақалади. Маълумки, хизмат кўрсатувчи корхоналар сирасига амалиётда механизация ёрдамида хизмат кўрсатувчи, нефт маҳсулотлари ва минерал ўғитлар етказиб берувчи муассасалар киради. Мазкур корхоналар фермерлар билан шартнома тузишда ўз манфаатларини устун қўйиш ҳоллари ҳам учрайди. Ана шунинг оқибатида жиддий қонунбузилишлар юзага келади.

Бундай дейишимизнинг боиси шундаки, яқинда вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоятдаги хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан жорий йил учун хўжалик шартномалари тузилишининг аҳволи ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижалари бу борада кўплаб қонунбузилишлар мавжудлигини кўрсатди. Мисол учун айтсак, Гулистон, Сирдарё, Ш.Рашидов туманларида 462 та шартнома эски тартибда тузилган. Шу сабабли улар ҳозирда қайта туздирилмоқда. Боёвут туманидаги «МТП» 12 та ширкат ва 184 та фермер хўжалиги билан техника хизмати кўрсатиш ҳақида эски тартибда шартнома тузган - уларда хизмат муддати кўрсатилмаган. Шунга қарамасдан ушбу шартномалар давлат инспекцияси рўйхатидан ўтказилган. Шунингдек, «МТП» акционерлик жамиятларида "буюртмачи"нинг ёзма талабномалари қайд этиладиган дафтар тутилмаган.

Айрим хизмат кўрсатувчи корхоналар эса шартнома тузиб, пулини тўлаб қўйганлар ўрнига бошқаларнинг ҳожатини чиқаришган. Масалан, Боёвут туман «МТП» шартнома тузмасдан туриб, "Ҳабибулло" фермер хўжалигига 377 минг сўмлик хизмат кўрсатган. Ҳолбуки, «МТП» "Ёғду" фермер хўжалигидан 19 минг сўм қарздор. Худди шундай ҳолатлар Оқ-олтин, Гулистон ва Ш.Рашидов туманлари «МТП»лари фаолиятида ҳам мавжуд.

Мисол тариқасида айтсак, Оқ-олтин туманидаги Ж.Эржанов номидаги фермер хўжалиги шартномага биноан туман «МТП»га 605 минг сўмдан кўпроқ пул тўлаган. Ижрочи эса 177 гектар ўрнига 16 гектар ерни ҳайдаб берган, холос. Ёзги агротехник тадбирларга ҳам етарли хизмат кўрсатилмаган. Оқибатда хўжалик 12,2 миллион сўмлик фойдадан маҳрум бўлган. Энди бу масала суд орқали ҳал этилади.

Бундай камчиликлар нефт маҳсулотлари етказиб берувчи корхоналар фаолиятида ҳам учрайди. Вилоятдаги нефт маҳсулотлари таъминоти корхоналари 4353 та қишлоқ хўжалик корхоналари билан шартнома тузган. Бироқ Гулистон нефт маҳсулотлари корхонаси Оқ-олтин туманидаги 11 та ширкат хўжалиги ва 16 та фермер хўжалиги билан шу кунгача ҳеч қандай шартнома тузмаганини қандай изоҳлаш мумкин?!. Ҳавос нефт маҳсулотлари корхонаси эса, Меҳнатобод туманидаги хўжаликлар билан тузилган 516 та шартноманинг бир нусхасини мижозларга берган. Бу эса келгусида фермер хўжаликларига жиддий зарар етказиши мумкин.

Хулоса сифатида таъкидлаб ўтиш жоизки, шартнома тенг ҳуқуқли ҳужжат ҳисобланади. Уларни тузишда ҳар икки томоннинг манфаати ҳисобга олиниши зарур. Бошқача айтганда, аксарият фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳуқуқий жиҳатдан саводи етарли эмаслиги хизмат кўрсатувчи корхоналар манфаатига қўл келмаслигининг олдини олиш учун шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг қатъий қоидасини жорий этиш жоиз. Ана шунда ҳеч ким деҳқоннинг ҳақини "туя" қилолмайди.

Абдумурод ҚЎЗИЕВ,
Сирдарё вилояти

Saboq

ФИРИБ БЕРОЛМАДИ...

Одатда, қишлоқ одамлари бироз содда ва ишонувчан бўлади. Далада кетмон чопиб, пешона тери билан ҳалол ризқ топадиган деҳқон бошқаларни ҳам ўзига ўхшатади. Лекин шоли курмаксиз бўлмаганидек, атрофимизда ҳам ҳар хил тоифадаги одамлар бор.

Хусусий тадбиркор Шамсиддин Раҳмонов Оҳангарон туманидаги "Усмонали ота" фермер хўжалиги далаларида йиғиштирилаётган пиёзни кўриб, кўзлари ўйнаб кетди. Олтиндай товланиб турган пиёзни қанчага пуллаш мумкинлигини ўйлаб, унинг юраги ҳаприкди. Бунинг устига фермер хўжалиги раҳбари Илҳом Ғозибеков унинг кўзига бўшбаёвгина одам бўлиб кўринди. Савдо ҳам тезгина пишди. 100 тонна пиёзнинг ҳар бир килограммини 65 сўмдан олиш-бериш ҳақида оғзаки келишилди.

Ўзини Тўйтепа "Мевасабзаво-ттайёрловсавдо" шўъба корхонаси вакилиман, деб таништирган Низомиддин Мирзаев ҳам фермернинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирди.

Иккови гаровга ул-бул нарса бериб, ёзма шартнома ҳам тузмасдан 2001 йилнинг сентябр ойида фермердан пиёзни олиб кетишди.

Орадан бир ой эмас, роса бир йил ўтди ҳамки, ваъда қилинган пулдан дарак бўлмади.

Қўлинг билан берганни, оёғинг билан юриб оласан деганларидек, фермернинг юрагига ғулғула тушиб, йўлга отланди. У Ш.Раҳмоновнинг эшигида пойлоқчилик қилган вақтлари ҳам бўлди, лекин уй эгасининг соясини ҳам тополмади. Бунинг устига фермер хўжалиги аъзолари ўз ҳақларини сўраб, фермернинг ҳаловатини баттар бузишди. Қуруқ гапга ҳеч ким ишонмай қўйди. Боши гангиб қолган фермер охир-оқибат "Тико" русумли автомашинаси, икки бош соғин сигир ва икки бош буқани сотиб, пулини қўл остида ишлаётганларга бўлиб беришга мажбур бўлди.

Буёқда денг, Ш.Раҳмонов ҳамон қорасини кўрсатай демасди. У гўёки "кўринмас одам"га айланиб қолганди. Тўйтепа "Мевасабзаво-ттайёрловсавдо" шўъба корхонасидагилар эса уни Россияга савдо-сотиқ ишлари билан кетганини такрорлашдан чарчашмасди.

Аслида Ш.Раҳмоновнинг мақсади бутунлай бошқа эди. У соддадил деҳқон ҳақ-ҳуқуқини қаёқдан билади, сарсон-саргардон бўлиб, бир кун чарчайди, сўнг ҳаммасига қўлини силтаб кетади деб, ўйлаганди. Лекин бундай бўлиб чиқмади. Фермер ҳам андишанинг оти қўрқоқ эмаслигини исботлашга киришди.

Ниҳоят, ана шундай оворагарчиликлардан сўнг фермер ва тадбиркор ўртасида 2002 йилнинг 20 сентябрида 15-рақамли шартнома тузилди. Ш.Раҳмонов пулни 60 кунда тўлиқ ўтказиб беришни ўз зиммасига олиб, қистовлардан сўнг 1 миллион 800000 сўм маблағни фермер хўжалиги ҳисоб-рақамига ўтказиб берди.

Гарчи ҳужжатларни расмийлаштиришда тадбиркор атай чалкашликларга йўл қўйган бўлса-да, фермер ўзини билмасликка олди. Унинг шундан бўлак иложи ҳам йўқ эди. Ҳеч бўлмаганда, унинг энди қўлида ҳужжат пайдо бўлганди.

Шундай қилиб, бир йил кечикиб тузилган шартномада белгиланган 60 кунлик муддат ҳам ниҳоясига етди, аммо ваъда-ваъдалигичи қолиб кетди.

Ўзининг алданганини кечикиб бўлса-да, тушунган фермер Тошкент вилояти адлия бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Лекин Ш.Раҳмонов ҳам тақдирга тан берадиганлардан эмас экан. Чўкаётган одам хасга ҳам ёпишади деганларидек, у ҳатто вилоят хўжалик судини ҳам чалғитишга урониб кўрди. Жумладан, Ш.Раҳмоновнинг судга ёзган эътирозномасида шундай сатрлар бор: "Даъвогарнинг даъво аризаси бўйича қўйидаги ҳолатлар бўйича эътироз билдираман. Шартнома, яъни ўзаро келишув бўйича даъвогар менга Давлат стандарти талабига жавоб берадиган 100 тонна пиёз маҳсулотини етиштириб, тўрхалталарга жойлаб топшириши, мен пиёзни Россия ўлкасига олиб бориб, сотиб бўлгач, 6 миллион 500 минг сўм пул беришим керак эди. Пиёзни Россия ўлкасига олиб боргач, топшириш пайтида тўрхалталарни бўшатганда 70 фоизи давлат стандарти талабларига жавоб бермади. Чунки маҳсулотга майда ва сифатсиз маҳсулотларни қўшиб юборган экан. Мен бирга борган ҳамроҳларим билан пиёзни 30 фоизинигина пуллай олдим, холос. Бу пул билан ҳатто транспорт харажатларини ҳам қоплай олмадик.

Шундай бўлса-да, даъвогарга шу кунгача 2 миллион 300000 сўм нақд пул берганман.

Ушбу ҳолатларга кўра, асосий қарзни қисман қаноатлантириб, қолган қисмини рад этишингизни сўрайман".

Шу ўринда ўз-ўзидан "тадбиркор"га шундай саволларни бергингиз келади: Сиз шунчалик "азият" чеккан экансиз, нега энди бир ярим йил давомида остонангизда сарсон бўлган деҳқонга эътирозларингизни билдирмадингиз? Нега фермерни бор-бурдидан жудо қилиб, фақат бир йилдан кейингина шартнома тузишга рози бўлдингиз? Шартнома билан ҳисоб фактурасидаги рақамлар нима сабабдан чалкаштирилган?

Албатта, бу ўринда фермернинг ҳам айби йўқ эмас. Чунки йўл қўйилган хатолар келгусида сабоқ бўлиши керак. Эндиликда фермерлар нафақат дала меҳнаткаши, балки замонавий ўрта бўғин раҳбари бўлгани учун ҳам ўз устида ишлаши, ҳуқуқий саводхонлигини ошириб бориши зарур.

Хуллас, вилоят хўжалик суди хусусий тадбиркор Ш. Раҳмонов ҳамда Тўйтепа "Мевасабзаво-ттайёрловсавдо" шўъба корхонасидан муштарак тарзда "Усмонали ота" фермер хўжалиги фойдасига 4.700.000 сўм асосий қарз, шунингдек, 141.000 сўм устама пули ундириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, даъво аризасининг маънавий зарарни ундириш қисми хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмагани учун иш юритиш тугатилди.

Тадбиркорлик аввало, ҳалолликни талаб этади. Бунга риоя этмаганларни эса бири икки бўлмаслиги, қолаверса, улардан жамиятимиз ҳам ҳеч қандай наф кўрмаслигини унутмаслигимиз лозим.

Рустам ХУДОЙКУЛ
"Инсон ва қонун" мухбири

ТАДБИРКОР КЎНГЛИГА ЙЎЛ

қорақалпоғистонлик тадбиркорлар ўртасида ўтказилган сўровлар таҳлили нималарни кўрсатади?

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Қуйидаги ҳолатда эса бундан-да ажабтовур қонунбузилиш содир этилган: Миллий банкнинг Қорақалпоғистон бўлимига якка тартибдаги тадбиркор С.Рўзимов 2002 йилнинг 5 мартида кредит олиш мақсадида ариза топширган ва ариза 6 март куни кредит қўмитасида кўриб чиқилиб, 3 миллион 400 минг сўмга кредит шартномаси тузилган. Ажабланарлиси, мажбурият таъминоти сифатида уч томонлама кафиллик шартномаси 4 март куни — ҳали ариза берилмасдан олдин расмийлаштирилган.

Бундан ташқари, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун талабларига хилоф равишда тадбиркорларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш ва уларнинг пул маблағларини турли хил жамғармаларга жалб қилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Масалан, Беруний туман ҳокимлигининг 2002 йил 5 декабрдаги 1018-сонли хати билан тумандаги барча хўжалик, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига "Қизил ярим ой" жамиятининг туман бўлими ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш топширилган. Туман ҳокимлигининг 2002 йил 4 июндаги 504-сонли хати орқали эса меҳнат жамоалари раҳбарлари зиммасига "Қорақалпоғистон" журналига обуна бўлиш вазифаси юклатилган. Шу боис сўровнома жараёнида қатнашган 176 нафар тадбиркор ўзларининг розилигисиз пул маблағларининг олиб қўйилаётгани, 188 нафар тадбиркор банкдаги маблағларидан эркин равишда фойдалана олмаётганликлари, шунингдек, текширишлар сонининг кўплиги ва унинг анчагина қисми ноқонуний тарзда амалга оширилаётганидан шикоят қилишган.

Шартномавий муносабатлар бўйича эса 62 нафар тадбиркор етиштирилган ҳосилнинг давлат буюртмасидан ортиқча қисмининг тортиб олингани, 196 нафар тадбиркор шартномавий ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмагани, 79 нафар тадбиркор ҳосилдорлик миқдорини белгилашда ернинг балл бонитетининг ҳисобга олинмагани хусусида фикр билдирган. Мисол тариқасида айтиб ўтсак, "Қўнғиротсут" акциядорлик жамияти "Қорақўл" фермер хўжалигидан қабул қилиб олинган сут маҳсулоти учун 260 минг 393 сўмлик қарз пулини тўламасдан келган. Тумандаги 9 та фермер хўжаликларида шундай ҳол такрорланиб, тадбиркорлар жами 1 миллион 368 минг 722 сўмга тенг бўлган пул маблағларини олишолмаяпти. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик фаолиятида йўл қўйилаётган турли хил қонунбузарлик хатти-ҳаракатлари Адлия вазирлигининг ишчи гуруҳлари томонидан ташкил этилган текширишлар пайтида ҳам ўз тасдиғини топди. 2002 йилда ўтказилган мазкур текширувлар жараёнида давлат рўйхатидан ўтиш бўйича 123 та, кредитлар ажратиш бўйича 584 та, шартнома мажбуриятларининг бузилиши бўйича 2727 та, ноқонуний жавобгарликка тортиш бўйича 802 та ва бошқа ҳолатлар бўйича 4066 та қонун бузилиши ҳолатларига дуч келинган.

Эътиборли жиҳати шундаки, бундай қонунбузилишлар йил сайин камайиб бормоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, 2002 йилда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишдаги ноқонуний хатти-ҳаракатлар олдинги йилдагига қараганда 25,5 фоиз, етиштирилган ҳосил пулларини ололмаслик 21,6 фоиз кредит олишда ортиқча ҳужжатларнинг талаб қилиниши 14,6 фоизга камайган. Бу эса тадбиркорлик фаолиятига оид тўсиқлар имкон қадар бартараф этилаётганининг исботидир. Шу маънода қонунбузарлик ҳолатларига чек қўйишда тадбиркор юрагига қўл солиш яхши натижалар бериши шубҳасиз. Зеро, тадбиркор кўнгил ёриб айтган ҳар қайси гапда ҳақиқий ҳолат ўз аксини топган.

Дамир УЗОҚБЕРГЕНОВ,
ҳуқуқшунос
Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Bugunning gapi

Adliya tizimi

САМАРҚАНД

Жорий йилнинг биринчи чорагида бошқармага 37 та ариза-шикоят келиб тушди. Ёзма мурожаатларнинг 28 таси қаноатлантирилди. 9 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди. Қаноатлантирилган ариза ва шикоятлар юзасидан судларга 9 миллион 362 минг 727 сўмлик 13 та даъво аризаси киритилди. Чорак охирига қадар 1 миллион 630 минг 809 сўмлик 2 та даъво ариза суднинг ҳал қилув қарори билан тўлиқ қаноатлантирилди.

* * *

Ўтган уч ой мобайнида шартнома мажбуриятлари бажарилмаслиги оқибатида қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликлари, оила пудратчилари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар манфаатини кўзлаб судларга 27 миллион 421 минг 922 сўмлик 245 та даъво ариза киритилди. Ана шу даъво аризаларининг 212 таси фермер хўжаликлари, 33 таси оила пудратчилари манфаатлари ҳимоясига қаратилган.

ТУЯНИ ШАМОЛ УЧИРСА...

Фермер хўжалиги ташкил этиш ва уларга ер ажратиш ҳақида ҳоким қарори чиққан пайтда ўша майдон аввалроқ ширкат хўжалигининг давлатга ҳосил топшириш режасига киритиб қўйилганини инобатга олмаслик кейинчалик кўпгина муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Бунга мисол тариқасида Жиззах туманидаги Шароф Рашидов номидаги ижара-ширкат бирлашмаси ва "Умид ниҳоли" фермер хўжалиги ўртасида юзага келган низони айтиб ўтиш мумкин. фермер хўжалигининг вилоят хўжалик судига ёзган даъво аризасида таъкидланишича, ижара-ширкат бирлашмаси фермер хўжалиги етиштирган ғаллани огоҳлантирмасдан ўзбошимчалик билан йиғиштириб олган. Шу боис фермер суддан ўзига тегишли 25 тонна буғдой, 2 миллион сўм мулкий ва маънавий зарарни ундириб беришни сўраган.

Суд муҳокамаси давомида даъвогар вакили 20,3 тонна буғдойнинг пулини ўтказиб беришдан бош тортгани учун ижара-ширкат хўжалигидан 47 тонна ғалланинг давлат нархидаги 2737515 сўмлик пули ва ўзаро тузилган шартнома мажбуриятини бажармагани учун "Жиззах ун заводи" МЧЖ томонидан фермердан олинган 365225 сўм жарима — жами 3102740 сўмни жавобгарнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш зарурлигини айтди. Жавобгар вакили эса даъвога нисбатан эътироз билдириб, туман ҳокимининг қарорига кўра ер майдони фермер хўжалигига ғалла ўриб олингач, берилиши лозимлиги, шунинг ҳисобига ғалла ширкат хўжалигига тегишли экани учун ўриб олингани, аслида ўша майдондаги ғалла 47 тонна эмас, балки 20 тоннани ташкил этишини баён этиб, даъвони асоссиз ҳисоблашни ва уни рад этишни суддан илтимос қилди.

Ҳақиқатан ҳам, "Умид ниҳоли" фермер хўжалиги Жиззах туман ҳокимининг 2001 йил 29 ноябрдаги 643-К сонли қарори билан рўйхатга олиниб, хўжаликка ғалла экилган майдондан 20 гектар суғориладиган ер ҳосил йиғиб олингандан кейин ажратиб берилиши кўрсатилган. Шу билан бирга туман ҳокимининг қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш тўғрисидаги қарорида эса "Умид ниҳоли" фермер хўжалигига 2002 йилда 20 гектар ер майдонига ғалла экиб, давлат эҳтиёжи учун 47 тонна ғалла топшириши режалаштирилган. Кейинги қарорга асосан 2002 йилнинг 2 апрелида фермер хўжалиги билан "Жиззах ун заводи" МЧЖ ўртасида шартнома имзоланган ва фермер ун заводига 47 тонна дон етиштириб топшириш мажбуриятини олган.

Фермер хўжалиги ташкил этилган пайтдаёқ ғалла экиш учун жами 795876 сўмлик уруғ, иш ҳақи, ёқилғи ва бошқа харажатларга сарф этилган. Бу харажатларни хўжалик далолатнома орқали фермер ҳисобига ўтказган. Демак, ҳосил уруғи экилган кунлардаёқ фермер хўжалиги ер билан биргаликда унга хўжалик томонидан сарфланган барча харажатларни ўз зиммасига олган. Аммо ўрим мавсуми бошланганда ижара ширкат бирлашмаси ҳокимнинг қарорида фермер хўжалигига ер ғалла ўримидан кейин берилсин, деган сўзларини важ қилиб, ҳосилни ноқонуний равишда фермернинг розилигисиз "Жиззах ун заводи"га топшириб юборган.

Суд ўз хулосасида жавобгардан даъвогар фойдасига 32,2 тонна ғалла, 2224959 сўмлик маблағни ундиришни лозим топди.

Шу ўринда асосли бир савол туғилади: Ш.Рашидов номидаги ижара ширкатлар бирлашмаси ва "Умид ниҳоли" фермер хўжалиги ўртасидаги низо нега тортишувнинг келиб чиқиш сабаби нима билан изоҳланади?

Dakki

Гап шундаки, Жиззах тумани ҳокими аввал 2001 йил 29 ноябрда "Умид ниҳоли" фермер хўжалигини ташкил этиш ва 2002 йилги буғдой ҳосили ўриб олингач, суғориладиган майдондан 20 гектар ер ажратиб беришга қарор қилади. Шу билан биргаликда ҳокимнинг қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш тўғрисидаги қарорида эса "Умид ниҳоли" фермер хўжалигига 2002 хўжалик йилида 20 гектар ер майдонига ғалла экиб, 47 тонна ҳосил давлатга топшириш режалаштирилган.

Баён этилган низо айнан мана шу бир-бирини инкор этувчи қарорлар туфайли юзага келган десак, асло янглишмаймиз. Ана шу биргина янглишув кўпгина ташкилотларга катта миқдорда моддий ва маънавий зарар етказди. Бизнингча, судда масаланинг мана шу нозик томонига ҳам эътибор берилиши лозим эди.

Хуллас, мутасадди раҳбарларнинг қарор қабул қилишдаги эътиборсизлиги, масъулиятсизлиги катта муаммо ва тортишувларни келтириб чиқариши турган гап. Шу боис ҳар бир раҳбар ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиши, ишга тўғри муносабатда бўлиши зарур. Бу эса, ўртада ўзаро ишонч ва муваффақиятни юзага келишига хизмат қилади.

Шухрат МУСАЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Huquqiy ma`rifat

ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТИ

Фуқаролик ҳуқуқида кафолат муддати билан бир вақтда кафолат хусусиятига эга бўлган бошқа муддатлар ҳам бор. Бундай муддатлар жумласига яроқлилик муддати, товарнинг хизмат қилиш, сақлаш ва бошқа муддатлар киради. Ушбу муддатларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бир-биридан фарқ қилувчи ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиради. Масалан, қонунчилик яроқлилик муддати ўтиб кетган товарни сотганлик ва хизмат қилиш муддати давомида сотувчининг айби билан вужудга келган нуқсонлар учун алоҳида-алоҳида жавобгарлик белгилашни назарда тутади.

Яроқлилик муддати фақат товарлар учун белгиланади. У ишлар ва хизматлар учун белгиланадиган бошқа муддатлардан фарқ қилади. Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва шахсга тегишли субъектив ҳуқуқларни амалга оширишда яроқлилик муддатлари муҳим аҳамиятга эга. Бу муддат товарнинг белгиланган вақт мобайнида истеъмол учун хавфсиз бўлишини таъминлайди.

Яроқлилик муддати муайян давр бўлиб, бу даврда товар фойдаланишга яроқли ҳисобланади. Бу давр тамом бўлгач, товар одамлар ҳаёти, соғлиғи учун хавф туғдиради. Товарнинг яроқли бўлиши, деган тушунча фақат товар истеъмолчи учун хавфсиз бўлишини билдирмайди. Товарнинг яроқлилиги учун белгиланган сифат ва меъёр талабларига жавоб бериши, белгиланган мақсадга кўра фойдаланиш имкони бўлишини ҳам ифода этади. Товарнинг белгиланган муддат давомида талабларга жавоб бермаслиги сотувчининг жавобгар бўлишига олиб келади. Яроқлилик муддати ўтгач эса сотувчи жавобгарликдан озод қилинади.

Яроқлилик муддати озиқ-овқат маҳсулотлари, парфюмерия-косметика товарлари, дори-дармонлар ва маиший кимё маҳсулотлари учун қўлланилади. Яроқлилик муддати жорий қилинадиган товарлар учун битта умумий қоида мавжуд: вақт ўтиши билан истеъмол хусусияти ёмонлашиб борадиган товарларга яроқлилик муддати қўлланилади. Масалан, ёғ, туз, турли ичимликлар вақт ўтган сари ўз сифати ва истеъмол хусусиятини йўқотиб боради. Ваҳоланки, улар инсон табиий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилади. Бу талабга жавоб бермайдиган товарларга кафолат муддат жорий қилиниши мумкин, лекин яроқлилик муддати жорий этилмайди.

Қонун ҳужжатлари ва давлат стандартларига товар ўз вазифаси бўйича фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолган, деб ҳисобланадиган вақт белгиланади. Бунда, сотувчи яроқлилик муддати белгиланган товарни сотиб олувчига шундай мўлжал билан топшириши керакки, токи ундан яроқлилик муддати тугагунга қадар ўз вазифасига кўра фойдаланиш мумкин бўлсин. Бу билан яроқлилик муддати товарни истеъмол қилиш мумкинлигини ва инсон саломатлиги учун хавфсизлигини кафолатлайди.

Яроқлилик муддати кўрсатилмаган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва шу каби бошқа товарлар сотилиши қонун ҳужжатлари билан таъқиқланади. Чунки яроқлилик муддати товарнинг истеъмол учун хавфсизлигини билдиради, истеъмолчи эса товар хавфсиз эканини аниқлай олмайди. Бу эса истеъмолчи ҳуқуқларининг бузилиши демакдир.

Умумий қоидага мувофиқ барча озиқ-овқат маҳсулотларида кафолат муддатлари кўрсатилиши мажбурийдир. Озиқ-овқат маҳсулотларининг барчаси ҳам қадоқланиб ёки махсус идишларда сотилмаслигини ҳисобга олиб, уларнинг яроқлилик муддатини аниқлаш учун истеъмолчи сотувчидан сифат сертификати кўрсатишни талаб қилиши мумкин.

Товарнинг яроқлилик муддати товар тайёрланган кундан фойдаланиш учун яроқли бўлиб турган кунгача белгиланади. Бу қоида яроқлилик муддатининг кафолат муддатидан фарқли томонларини ифода этади. Агар кафолат муддати товар истеъмолчига топширилган ёки товардан фойдаланиб бошлаган пайтдан бошланса, яроқлилик муддати товар сотиб олувчига қачон топширилганидан қатъий назар, товар ишлаб чиқарилган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Яроқлилик муддати товарнинг ўзи, идиш, ғилоф, сифат сертификатига ёзиб қўйилса, унда кафолат муддати сотувчи билан харидор ўртасида алоҳида келишув тартибида аниқланади.

Яроқлилик муддати муайян давр ва аниқ сана билан белгилаб қўйилади. Масалан, балиқ консерваси ишлаб чиқилган пайтдан бошлаб икки йилгача истеъмол учун яроқли ҳисобланади, ўсимлик ёғи идиши қопқоғида ундан қайси санагача фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилади.

Яроқлилик муддатини ишлаб чиқарувчининг ўзи белгиламайди. Бу муддат тарафларнинг келишуви билан ҳам белгиланиши мумкин эмас. Товарнинг яроқлилик муддати қонун ҳужжатларида, тегишли стандартларда белгилаб қўйилади. Ана шу стандартларда товарни яроқлилик муддати қанчагача давом этиши ёзиб қўйилади, маҳсулот талабларга жавоб берса, стандартдаги яроқлилик муддати товар идишида қайд этилади. Бу муддат давомида товарга яроқлилик муддати белгилаган давлат идоралари, ишлаб чиқарувчи ва сотувчи жавобгар бўлади.

Товарнинг яроқлилик ҳолати биринчи навбатда техник саволлар асосида аниқланади. Бунда товарнинг табиий, кимёвий ҳамда бошқа хусусиятлари ўрганилади ва шу асосда хулоса чиқарилади.

Умумий қоидага биноан, сотувчининг яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки муддати ўтиб кетган товарларни қабул қилиши ва сотиши ман этилади. Товардаги нуқсонлар натижасида етказилган зарар қопланиши лозим. Масалан, ўсимлик ёғи истеъмолчи соғлиғига зарар етказди. Бунда сотувчи истеъмолчи соғлиғини тиклаш учун кетган харажатларни қоплаши, нуқсонли товарни мақбул сифатли товарга алмаштириб бериши ёки унинг нархини қайтариши лозим бўлади.

Фуқаролик қонуни товарнинг нуқсонлари аниқланганда уни сифатли товарга алмаштирилиши етти кун ичида амалга оширилишини кўзда тутади. Агар товар сифатини текшириш зарурати юзага келса, бундай алмаштириш йигирма кунда амалга оширилиши лозим. Чўл ва олис жойларда, товар вақти-вақти билан олиб бориладиган ҳудудларда бундай талаб ушбу жойларга навбатдаги товар етказиб бериши учун кетадиган муддат ичида, икки ойдан кечиктирмай амалга оширилиши керак. Ана шу муддатни ўтказиб юборилган ҳар бир куни учун сотувчи истеъмолчига товарни алмаштириб бериш билан бир вақтда товар баҳосининг бир фоизи миқдорида устама тўлайди. Шунингдек, сотувчи нафақат яроқлилик муддати давомида товардаги нуқсонлар, балки яроқлилик муддати тугагандан кейин ҳам истеъмолчининг елиб-югуриши оқибатида вужудга келган зарар учун жавобгар бўлади. Шу боис ҳар бир харидор товар харид қилиш вақтида унинг яроқлилик муддати ҳақидаги ҳужжатни ҳам сўрашга ҳақли.

Кўриниб турибдики, товар ва маҳсулотларнинг яроқлилик муддати истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Нурилло ИМОМОВ,
ҳуқуқшунос

Talab, taklif, mulohaza

ТАКОМИЛ ЗАРУРАТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Табиийки, жавобгарликни аниқламай жазолаш мумкин эмас. Лекин баъзи ҳолларда қонун ҳатто жавобгарликка тортилган, маҳкум этилганларни ҳам жазодан озод этишни лозим топади. Масалан, ҳукмда белгиланган айрим жазолар муайян муҳлат ўтгач, маҳкум жамият учун хавфлилик хусусиятини йўқотган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, авф қилинган, касал ёхуд меҳнат қобилиятини йўқотган ҳолларда ҳам ижро этилмайди. Буни таъкидлашимизнинг боиси шундаки, тергов ва суд амалиётида жиноий жавобгарликдан озод қилиш ва жазодан озод қилиш бир-биридан фарқли эканини ҳисобга олмаслик ҳоллари учрамоқда. Баъзида терговчи, прокурор, судьялар жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг фарқига етарлича эътибор бермайди. Жавобгарликдан озод этиш жиноят ишини қўзғатмасдан, агар қўзғатилган бўлса, уни судга юбормасдан терговчи ёки прокурор томонидан амалга оширилади. Жазодан эса фақат суд озод қилиши мумкин.

Қандай ҳолларда суд шахсни жавобгар ҳисоблаши, аммо жазодан озод этиши лозим эканлиги Жиноят кодексида равшан акс эттирилмагани бунга асосий сабаб бўлмоқда десак, асло хато эмас. Масалан, хоинликка, фитнага, жосусликка қўл урган шахс ўз қилмиши тўғрисида ҳокимият идораларига ўз ихтиёри билан хабар қилса, жиноятни очиш ва олдини олишга фаол ёрдам берса — суд уни жавобгар деб топса-да, аммо жазо тайинламайди. Пора берган ёхуд пора олиб беришда воситачилик қилган шахс бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилиб, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда ёрдам берса, жавобгарликдан озод этилади.

Шунингдек, тегишли рухсатномасиз ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддаларни тайёрлаган, олиб юрган, сақлаган шахс, уларни ўз ихтиёри билан топширса, жавобгарликка тортилмайди. Гиёҳванд ва психотроп моддаларни кўп бўлмаган миқдорда тайёрлаган, сақлаган, ташиган ёки жўнатган шахс, шунингдек, уларни кўп бўлмаган миқдорда сотган шахс жавобгарликдан эмас, балки фақат жазодан озод қилинади. Шу ўринда табиий бир савол туғилади: бири ўқотар қуроллар билан, иккинчиси гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар қонунда турлича ҳал этилишига сабаб нима?

Қонун талабларига биноан, ўқотар қуролларга оид ишларни дастлабки терговга давридаёқ тугатиш ва бу қилмишни содир этганларни жавобгар қилмаслик керак. Гиёҳванд воситаларга оид ишларни эса судга юбориш шарт. Чунки уларни жазодан фақат суд озод қилиши мумкин. Бу масаланинг яна бир томони бор. Олий Суд пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги "Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида" қарорининг 9-бандида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ўз ихтиёри билан топширган шахс уларни тайёрлагани, олгани, сақлангани, ташигани ва жўнатгани учун "жиноий жавобгарликдан озод қилинади", деб тушунтириш беради. Бу тушунтириш ноўрин бўлса-да, амалиётда қўлланиб келмоқда. Ваҳоланки, бу ҳолат Жиноят кодексига зарур ўзгартириш киритиш йўли билан ҳал қилинмоғи лозим эди. Шунингдек, гиёҳванд воситаларни сақлаган шахс, уларни ўз ихтиёри билан топширса, жазодан озод этилади. Озод этилиши шу воситаларнинг миқдорига боғлиқ. Масалан, бир грамм героинни давлатга топширса — у шахсни жазолаш мумкин эмас. Уч грам топширса — у нима сабабдандир қонун имтиёзидан фойдаланолмайди.

Жиноят кодексининг 55-моддаси жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар тизимида биринчи навбатда "айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш"ни назарда тутади. Мазкур жумлада иқрорликнинг уч кўриниши акс эттирилади: 1) айбини зиммасига олиш; 2) қилмишидан чинакам пушаймон бўлиш; 3) жиноятни очишга фаол ёрдам бериш. Демак, айбга иқрор ва пушаймон бўлиш билангина чекланмай жиноятни очиш, жиноятчиларни фош қилиш, қидириб топишда фаол иштирок этиш тарзидаги фаоллик шахсни фақат жазодан эмас, жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун ҳам асос бўлади.

Жиноий гуруҳ ёхуд жиноий уюшма жиноятга тайёргарлик қилаётгани ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга хабар бериш алоҳида эътиборга моликдир.

Айбига иқрорликни жиноий жавобгарликка тортиш ва жазо чораси тайинлашда инобатга олиш борасида кейинги йилларда Жиноят кодексига икки бор жиддий ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди. 1999 йил 20 августида олти хил жиноят бўйича айбдор келтирилган моддий зарарни уч карра миқдорида қоплаган бўлса, унга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмаслиги ҳақида муҳим қоида киритилди. Фақат олти хил бўйича эмас, балки ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган барча жиноят турлари бўйича ҳам шу қоиданинг қўлланиши жазоларни либераллаштириш ислоҳоти талабларига мос бўларди. Жиноятга иқрор бўлишнинг жавобгарликдан озод қилишга асос бўлиши ҳақида Жиноят кодексининг 66-моддасидаги қоидага кўра, бу имтиёз жиноятни фақат биринчи марта содир этган шахсга нисбатан қўлланади. Бизнингча, бу қоидани ислоҳ қилиш зарур. Уни ижтимоий хавфи жиҳатидан ўта оғир ёки оғир бўлмаган барча жиноятларни содир этган шахсга нисбатан қўллаш мумкин бўлиши керак.

Исботлаш воситаларига баҳо беришда йўл қўйилган хато айбсиз шахсни жавобгарликка тортишга ва бегуноҳ жазоланишига сабаб бўлади. Жиноят кодекси жазони индивидуаллаштиришга эришиш учун маҳкумга жазони енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатларни белгилайди. Жазо даражаси ҳар бир гуноҳкорнинг шахси, унга руҳий-ахлоқий таъсир этиш зарурияти даражаси билан боғлиқ эканини эътиборга олмоқ даркор.

Инсонпарварлик руҳида жазо қўллаш амалиёти туфайли 2002 йилда озодликдан маҳрум этиш жазоси 51 фоиздан 40 фоизга, тергов вақтида қамоққа олиш ҳоллари 50 фоиздан 30 фоизга камайди. Шунингдек, айбланувчини қамоқда сақлаш ва тергов муддатларини узайтириш 2,2 фоиздан 0,3 фоизга тушган. Бу ўзгаришлар жиноятчиликка қарши кураш қонуний ва ҳозиржавоблик билан олиб борилаётганидан, лоқайдлик ва сансоларликка чек қўйилаётганидан дарак беради.

Хулоса сифатида айтсак, ҳар бир жиноят учун жавобгарлик муқаррар ва бериладиган жазо адолатли бўлиши шарт. Бунга эришиш учун суд муҳокама қилинаётган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқ белгилаши ва уни содир этган шахснинг барча ижобий ва салбий жиҳатларини инобатга олиши лозим. Жиноят кодексида турли жиноятлар учун энг мақсадга мувофиқ жазо тури ва миқдори белгиланиб, улардан қайси бирини қўллаш суд ваколатига киради.

Гафур АБДУМАЖИДОВ,
профессор

Mitti maslahat

НОГИРОНЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим йўналишларидан бири ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш бўлиб, унга шу тоифага кирувчи шахсларнинг алоҳида талабларини қондиришга қаратилган ҳар хил ижтимоий хизмат турлари киради. "Ногирон" тушунчаси туғма, жисмоний ва ақлий қобилиятидаги камчиликлари сабабли ўзларининг одатий шахсий ёки ижтимоий талабларини қисман ёки тўлиқ таъминлай олмаган шахсга нисбатан қўлланилади. **"Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги Қонунга биноан турмуш фаолияти чегараланган, жисмоний ва ақлий нуқсонлари туфайли ижтимоий ҳимоя ва ёрдамга муҳтож бўлган шахслар ногирон деб ҳисобланади.

Ногиронликнинг иккита белгиси бор: меҳнатга боғлиқ белги — тўлиқ ёки қисман малакавий меҳнат қобилиятини йўқотиш; меҳнатга боғлиқ бўлмаган белги — инсоннинг ҳаётида унинг касб фаолияти билан боғлиқ бўлмаган лаёқатсизлик (қийинчиликлар).

"Тиббий меҳнат эксперт комиссияси тўғрисида"ги Низомга кўра ногиронлик учта гуруҳга бўлинади. Оддий шароитларда узлуксиз меҳнат қобилиятини тўлиқ йўқотган, бировнинг доимий ташқи ёрдамига (ёрдам, назорат) муҳтож бўлган фуқароларга I гуруҳ ногиронлиги, шундай ёрдамга муҳтож бўлмаса, унга II гуруҳ ногиронлиги ва узлуксиз меҳнат қобилиятини қисман йўқотган фуқароларга III гуруҳ ногиронлиги берилади.

Давлат ногиронларни ижтимоий таъминлаш билан бир қаторда уларнинг ижодий, ишлаб чиқариш имконият ва қобилиятларини ҳамда эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда қонунчиликда кўзда тутилган ижтимоий ёрдамни кўрсатиши, уларнинг соғлиғини ҳимоя қилиши, меҳнат, маълумот олиш ва касбий тайёргарлиги, уй-жой билан таъминланиши каби ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларининг амалга ошишини кафолатлайди. Шунингдек, давлат бу соҳада қонунчиликнинг амалга ошишидаги тўсиқларни бартараф этиб боради.

"Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга биноан ногиронларни тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитация (тиклаш) қилишнинг вазифалари ҳам белгиланган. Уларга қуйидагилар киради:

— ўз-ўзига хизмат қилиш қобилияти ва турли хил касбий фаолиятини тиклашга қаратилган организмнинг бузилган ёки йўқотилган функцияларини қайта йўлга қўйиш борасидаги бир қатор тадбирларни амалга ошириш;

— ногиронларни тиббий, касбий ва ижтимоий тиклашнинг якка тартибдаги дастурига мувофиқ равишда ташкил этиш;

— ногиронларни тиклаш муассасаларини ташкил этиш.

Шунингдек, мазкур Қонунда ногиронларнинг меҳнат қилиш, билим олиш ҳуқуқини амалга ошириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилган. Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш уларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни ҳам ўз ичига олади. Ногиронларга ижтимоий ёрдам пул тўловлари (пенсиялар, нафақалар, бир йўла бериладиган тўловлар) шаклида, автомобиллар, ўриндиқли аравачалар, протез-ортопедия буюмлари, махсус ҳарфли матбаа нашрлари, овоз кучайтиргич аппаратлар ва сигнализаторлар билан таъминлаш шаклида, шунингдек, тиббий-ижтимоий ва касб жиҳатдан тиклаш ҳамда маиший хизмат, транспорт хизмати кўрсатиш билан ҳам берилади.

Ғулом ПИРИМҚУЛОВ,
Бекзод ЁҚУБОВ



Тоғ йўли

Tahririsz maktub

"СТАДИОНСИЗ ҚОЛДИК..."

1995 йили биз — бир гуруҳ қишлоқ ёшлари бригадамиз ҳудудидаги 1,20 гектар ташландиқ жойни ҳашар йўли билан ўзлаштириб стадион қурдик. Бироқ 1997 йили бу ерни ширкат хўжалиги раиси шу қишлоқда яшовчи Сано Эргашевга олиб берди. У бу ерда ғишт заводи қуришини рўкач қилиб, беш йилдан буён буғдой экиб келмоқда. Биз стадионнинг ерини ўзимизга қайтариб беришни сўраб ширкат хўжалиги бошқаруви ва туман ҳокимлигига мурожаат этдик. Афсуски, улар ёрдам бериш тугул аризамиз билан қизиқиб ҳам кўришмади. Шу йилнинг январ ойида вилоят адлия бошқармасига шикоят аризаси ёздик. Бошқармадагилар хатимизни туман ҳокими номига жўнатишди. Аммо ҳокимиятдан жавоб ололмадик.

Ҳурматли таҳририят! Мамлакатимизда болалар спортини рағбатлантириш жадал суръатда амалга оширилаётган бир пайтда бизни тайёр стадиондан маҳрум қилишганини қандай изоҳлаш мумкин? Ҳолбуки, туман ва хўжалигимиз мутасаддилари стадионни бузиш ўрнига янгисини қуриб беришлари керак эмасми? Туманимиздан етишиб чиққан Камол Муродов, Фарҳод Тўраев сингари машҳур спортчилар Ўзбекистон довруғини жаҳонга танитаётганда бундай ҳолатнинг мавжудлиги уят ҳисобланмайдими?

Бу борада амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз деб

Зокир ЖУМАЕВ,
Наби БОБОЕВ ва бошқалар,
Олот тумани, "Пахтакор" ширкат хўжалиги

Jurnalist surishtiruvi

ЭЪТИБОРСИЗЛИКМИ ЁКИ ХАТО?

Ҳар бир раҳбар ўз ишига масъулиятсизлик билан қараса, унинг оқибатида, албатта, хатолик рўй беради. Бу эса гина-адоват, ғараз сингари иллатларни авж олдириш баробарида жамоада носоғлом муҳитни юзага келтиради. Бу фикрни Жиззах тиббиёт коллежи фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин. Гап шундаки, коллеж директори И. Субҳонқулов ўтган йилнинг феврал ойида ўқув ишлари бўйича ўринбосари Усмон Ҳамроевни ишдан бўшатган. Унинг ўрнига "Ҳамширалик иши мутахассислиги" бўлими бошлиғи Қобилжон Абдуллаевни тайинланган. Ўз навбатида "Ҳамширалик иши мутахассислиги" бўлим бошлиғи вазифасини жарроҳлик кафедраси мудири Мўътабар Ҳошимова эгаллайди. М.Ҳошимованинг вазифасида эса ўқитувчи М.Баҳромов иш бошлайди.

Ишдан ноҳақ бўшатилган У.Ҳамроев судга мурожаат қилиб, суд ҳукми билан яна ўз вазифасига тикланади. Шундан сўнг коллеж раҳбари И.Субҳонқулов томонидан 108 ва 108/1-сонли буйруқлар чиқарилади. Уларга асосан Қобилжон Абдуллаев директор ўринбосарлигидан озод қилиниб, "Ҳамширалик иши мутахассислиги" бўлими бошлиғи, Мўътабар Ҳошимова эса "Ҳамширалик иши мутахассислиги" бўлими бошлиқлигидан "Фан ҳайъати" кафедраси мудирлигига тайинланади.

"Директоримиз И.Субҳонқулов 2002 йилнинг 1 июлида чиқарилган 108/1 сонли буйруқ билан мени таништирмаган, – деб ёзади М.Ҳошимова таҳririятга ёзган шикоят хатида. — Орқаворотдан чиқарилган буйруқни мен 11 ноябр куни коллежга келган тафтишчилардан эшитдим ва уларга тушунтириш хати ёзиб бердим. Бу пайтда И.Субҳонқулов меҳнат таътилига чиқиб кетган эди. Бу ҳолни коллеж директори вазифасини бажарувчи Ф.Пиримқуловага билдирганимда, у менга "ҳеч нарсани ўзгартиролмайман ва расман чиққан охирги буйруқ билан ишлайман" дея жавоб қилди".

Аризада билдирилган важларни текшириш мобайнида М.Ҳошимов шундай изоҳ берди:

— Агар директор И. Субҳонқулов ўша пайтда ҳузурига чақириб, "Усмон Ҳамроев суд қарори билан вазифасига тикланди. Энди ҳар бирингиз аввалги вазифаларингда ишланглар", деганида, ҳеч қандай эътирозга ўрин йўқ эди. Чунки розилигимсиз бошқа ишга ўтганим ҳақида буйруқ чиқсаю, ундан бехабар қолсам — буни қандай тушуниш мумкин? Ахир, янги ўқув йилнинг бошланишида ўқувчи ва ўқитувчилар олдида И.Субҳонқулов мени бўлим бошлиғи деб таништирганди. Ҳозирга қадар ана шу вазифада ишлаб келдим. Мен лавозимга эмас, шаъним ва конституциявий ҳақ-ҳуқуқим поймол этилганига ачинаман, холос.

Маълум бўлишича, М.Ҳошимова бу ҳақда илгари вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасига ҳам ариза билан мурожаат этган. Унга бошқарма бошлиғи И.Тиркашев томонидан 59/01-сонли хат орқали қуйидаги мазмунда жавоб берилган:

"Мўътабар Ҳошимованинг аризасини қонуний ҳужжатлар асосида бошқарма ҳуқуқшуноси Низом Бегмонов ўрганиб чиқди. Ушбу ариза юзасидан меҳнат қонунларига асосан хулосалар берилди. Коллеж раҳбарияти ва кадрлар бўлими назоратчилари томонидан ҳақиқатдан ҳам хатоликларга йўл қўйилгани маълум бўлди".

Жавоб хатида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг низомларига асосан ўқув юртида ишлаётган ўқитувчи ва бошқа ходимларни ишга олиш, ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш ушбу ўқув юрти раҳбари томонидан меҳнат қонунлари асосида амалга оширилиши лозимлиги қайд этилган. Шунингдек, унга М. Ҳошимованинг аризаси бўйича текшириш натижалари тўғрисидаги хулосалар ҳам илова қилинган. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: хўш, бошқарма ҳуқуқшуноси Н.Бегмоновнинг хулосаси мазмуни қандай?

Бу саволга жавобан мазкур хулосадан айнан кўчирма келтирамиз:

"... Текшириш давомида аризачи М.Ҳошимовани бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги 2002 йил 108/1-сонли буйруқ Меҳнат Кодексининг қатор меъёрлари талаблари қўпол равишда бузилган ҳолда чиқарилгани маълум бўлди. Жумладан, М.Ҳошимова билан маъмурият ўртасидаги меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган бўлиб, иш берувчи ходимнинг розилигисиз уни ўзгартиришга, яъни М.Ҳошимовани бошқа ишга ўтказишга ёки ишдан бўшатишга ҳаққи йўқ. Меҳнат шартномасини ўзгартиришга зарурият ҳам туғилмаган. Агар Қ.Абдуллаев эгаллаб турган вазифага нисбатан муқаддам ишлаб кетган шахс ишга тикланган ҳолда меҳнат шартномаси айнан Қ. Абдуллаевга нисбатан қонунга асосан ўзгартирилиши лозим эди.

Қайд этилганларга кўра коллежнинг собиқ директори И.Субҳонқулов томонидан Меҳнат Кодексининг 89, 92, 97, 100, 106-моддалари талаблари бузилган. Шунинг учун М. Ҳошимова Меҳнат Кодексининг 111-моддасига асосан муқаддам эгаллаб турган Жиззах тиббиёт коллежи "Ҳамширалик иши мутахассислиги" бўлими бошлиғи вазифасига тикланиб, унга кўрилган моддий ва маънавий зарарлар қонун талабига асосан қопланиши лозим".

Таъкидлаш жоизки, Н.Бегмонов хулосани осмондан олиб ёзган эмас. Зеро, иш берувчи билан ходим ўртасидаги меҳнат шартномаси ҳамда коллеж ходимлари бўлими нозири Д.Донабоева томонидан ёзилган тушунтириш хати низо келиб чиқишининг асосий сабабларини яққол кўрсатиб турибди. Хусусан, Д. Донабоеванинг тушунтириш хатида ёзилишича, Қ.Абдуллаев ва М. Ҳошимова меҳнат таътилида бўлгани сабабли бошқа ишга ўтказилгани ҳақидаги буйруқ билан таништирилмаган.

Ҳолбуки, буйруқ чиққан пайтда Қ.Абдуллаев ва М.Ҳошимова меҳнат таътилида бўлсада, ўқув йилининг бошланишида улар ишга келишган. Коллеж маъмурияти эса бу ўринда "касални яшириш" қабилида иш юритган. Яъни суд тартибида У.Ҳамроев ишга тикланган учун Қ.Абдуллаев ва М.Ҳошимовалар илгариги ишига ўтказилганини эълон қилишса, гўё обрўлари тушиб қоладигандек бўлган.

(Давоми тўртинчи бетда)

ФРАНЦИЯ: ҲУКУМАТ ВА УНИНГ МАҚОМИ

Европадаги ривожланган давлатлардан бири бўлган Франциянинг давлат тузилиши аралаш республика ҳисобланади. Бу мамлакатда ҳокимият уч тармоқ, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан иборат. Ҳукумат фаолияти президент фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Ҳукуматни шакллантириш ҳукумат бошлиғи – Бош вазирни тайинлашдан бошланади. Бу эса президентнинг фақат ўзига тегишли бўлган энг муҳим ваколатидир. Президент Бош вазирни танлашда Миллий Мажлисдаги кучлар нисбатини инобатга олади, агар президентга тегишли одамлар кўпчилик бўлмаса, у сиёсий жиҳатдан ўзига яқин шахсни танлаши мумкин. Шу тарзда ҳукумат ҳам президентни, ҳам парламентни қаноатлантириши зарур. Шунингдек, улар ўртасида зиддият вужудга келса, у ҳолда Миллий Мажлиснинг фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Ҳукуматнинг истеъфо бэриши ҳам шунга мос равишда уч ҳолат — президент, Миллий Мажлис, ва ўзгаришлар ихтиёрига амалга ошади.

Бош вазирнинг истеъфо бериши бир-бирини сиёсий солидар жавобгарлик билан бирлаштирувчи бутун маҳкаманинг истеъфо беришини англатади. Бошқа вазирларнинг истеъфога чиқишлари эса ҳеч қандай оқибатларсиз амалга ошади. Шу боис маҳкаманинг шахсий таркиби доимо ўзгариб туради.

Ҳукумат президентдан ҳам, Миллий Мажлисдан ҳам мустаҳкам эмас. У ҳар уч-тўрт йилда бир марта ўзгаради. Агар ҳукумат президентнинг партиясига тегишли бўлса ва партия президентлик ёки парламент сайловида ғолиб бўлолмаса, у истеъфо беради. Агар ҳукумат партияни ўзида ифодаламаса, давлат бошлиғи бу ҳукуматни тарқатиб, ўзига мос келувчи ҳукуматни шакллантириши мумкин.

Ҳукумат таркиби Бош вазир тайинлагандан сўнг шакллантирилади. Унинг таркибини тайинлаш чоғида президент билан Бош вазирнинг ҳам фикри инобатга олинади. Вазирларни тайинлаш давлат бошлиғининг ваколатига киради.

Вазирларга ҳар қандай давлат ёки касбий фаолият билан шуғулланиш ман қилинди. Чунки бу ҳол ҳукуматининг тез ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳукуматнинг энг асосий вазифаси миллат сиёсатини белгилаш ва юритишдан иборат; унинг қўл остида маъмурият ва қуролли кучлар тўпланган. Худди шу ўринда Бош вазир томонидан бошқариладиган ҳукумат ва президент ваколатлари ўртасида уйғунлик юзага келади.

Президент давлат бошлиғи сифатида Франциянинг Конституциявий тузуми ва ҳудудий бирлигини таъминловчи, миллий ҳамкорликнинг стратегик муаммоларини ҳал этувчи мансабдор шахс ҳисобланади. Ҳукумат эса ижтимоий-иқтисодий соҳадаги маъмурий ишлар билан шуғулланади ва қонунларнинг ижросини таъминлайди. Шу боис Бош вазир ҳукуматни эмас, балки ҳукумат фаолиятини бошқаради. Ҳукумат бошлиғи эса вазирлар кенгашини бошқарувчи президент ҳисобланади.

Jahon tajribasi

Ҳукуматнинг тузилишидаги яна бир муҳим тизим вазирлар кенгаши бўлиб, у президент раислигида бўлиб ўтади. Бу мамлакат конституциясида белгиланган ягона ҳукумат муассасидир. Шунингдек, конституцияга мувофиқ Бош вазир раислик қилувчи алоҳида ҳукумат мажлиси конституциявий мақомга эга эмас. У президентнинг топшириғи билан вазирлар кенгашининг мажлисларида раислик қилиш ваколатига эгадир. Умуман олганда, Францияда давлат бошқарувида Бош вазир институти алоҳида ажралиб туради.

Кўриниб турибдики, Францияда ҳукумат фаолияти ва мақоми кўплаб жиҳатлари билан бошқа мамлакатларнинг ҳукумат тизимидан тубдан фарқ қилади. Бу эса Францияда давлат бошқаруви соҳасида ўзига хос тажриба шаклланганидан дарак беради.

Зебо КАРИМОВА,
ҳуқуқшунос

ЭЪТИБОРСИЗЛИКМИ ЁКИ ХАТО?

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Натижада М.Ҳошимова фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига Жиззах тиббиёт коллежи маъмурияти ва собиқ директор И.Субҳонқуловга нисбатан олдинги ишга тиклаш ҳамда етказилган маънавий зарарни ундириш ҳақида даъво ариза берди. Судья Ж.Пўлатова ишни кўраётган пайтда ўзгариш содир бўлади ва М. Ҳошимованинг даъвоси биринчи босқич фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят судига ўтказилди. Фуқаролик ишлар бўйича вилоят суди судьяси Б.Мамадиёров шу йилнинг 2 апрел куни ишни кўриб чиқиб, даъвогар М.Ҳошимованинг даъвосини рад қилиш, коллеж маъмуриятининг 2002 йил 1 июлдаги 108 ва 108/1 сонли буйруқларини қонуний деб топиш ва даъвогар Қ.Абдуллаевни коллеж "Ҳамширалик иши мутахассислиги" бўлими бошлиғи лавозимига тикланган, деб ҳисоблаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Мамлакатимизда суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий тарзда бажарилиши лозим. Бу — Конституциямиз ва бошқа қонунларда белгилаб қўйилган қатъий меъёр. Бу ўринда судья Б.Мамадиёров чиқарган ҳал қилув қарорини муҳокама қилиш фикридан мутлақо йироқмиз. Бошқача айтганда, уни тўғри ёки нотўғри дейишга ҳаққимиз йўқ. Бироқ бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кузатиб, маълумотларни йиғиш, тўплаш ва таҳлил қилиш, умумлаштириш ва ахборот олиш ваколатига эгамиз. Қолаверса, журналист текшируви суриштирув, тергов ва суд текширувидан моҳияти ва ҳуқуқий мақоми жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Бу ерда гап судья Б.Мамадиёров чиқарган ҳал қилув қарорига М.Ҳошимова ҳамда коллеждагилар қандай муносабат билдираётгани хусусида бормоқда.

Фуқаро М.Ҳошимовага агар суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлса, 22 апрел кунига қадар апелляция тартибида судга шикоят қилиши мумкинлигини тушунтирдик.

— Бошқарма ҳуқуқшуноси Н.Бегмоновнинг хулосасига биноан фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига даъво ариза бергандим. Судья Ж.Пўлатова ишни кўраётганда Қ.Абдуллаев гувоҳ сифатида қатнашган эди. Ҳал қилув қарорида эса Қ.Абдуллаев менга ва коллеж маъмуриятига нисбатан даъвогарга айланиб қолибди. Бундан ташқари, Б.Мамадиёров судда Қ.Абдуллаев билан мени юзлаштириб сўроқ қилган эмас. Иккинчидан, ҳал қилув қарорида гувоҳ сифатида бошдан охиригача кўрсатма берди, деб қайд этилган гувоҳлар Ф. Пирназарова, И. Донаева, А. Оқбўтаева деган шахслар коллежда ишлашмайди. Учинчидан, директор вазифасини бажарувчи Ф.Пиримқулова ва ходимлар бўлими нозири Д.Донабоеванинг судда ҳал қилув қароридагидек кўрсатма берганига ишонмайман. Ахир, Д.Донабоева буйруқ чиққанидан мени ва Қ.Абдуллаевни хабардор қилмаганини бошқарма бошлиғи И.Тиркашев номига ёзган тушунтириш хатида баён этганди-ку? Энг қизиғи, мен 27 февралдан 1 апрелгача меҳнатга лаёқатсизлик таътилида бўлганман. Агар Қ.Абдуллаев ўша июл ойида буйруқ чиққанини билган экан, нега сентябр, октябр — борингки, ноябр ойида мендан ишни топширишни сўрамади? Олтинчидан, суднинг ҳал қилув қарорида таъкидланганидек, мен Қ.Абдуллаевга ва бўлим фаолиятига ҳалақит бераётган эканман, бу ҳолга нега аниқлик киритилмади? Қ.Абдуллаев директор ўринбосарлиги вазифасига тайинланган пайтда менга далолатнома билан қайси ҳужжатларни топширган эканки, уни талаб қилса? — дея куйинди Мўътабар Ҳошимова биз билан бўлган суҳбатда

Энди коллеж директори вазифасини бажарувчи Ф.Пиримқуловнинг бу масала юзасидан ёзган тушунтириш хатига эътибор беринг: "Мен И.Субҳонқулов томонидан чиқарилган буйруқлардан ўтган йилнинг декабр ойида хабар топдим. Суднинг ҳал қилув қарорида кўрсатмаларим бироз ўзгартирилган. Аниқроқ айтсам, суднинг ҳал қилув қароридаги "Қ.Абдуллаев, М.Ҳошимова, И.Баҳромовларни маъмуриятнинг буйруғи билан ўзларининг олдинги лавозимларига қайтарилди", деган гапни мен айтмаганман. Аслида суддан "мен учун иккала кадр ҳам қадрли, буйруқнинг тўғри ёки нотўғрилигини қонуний аниқлаб, қай бири лозим деб топилса, ўша кадрга бўлимни бошқариши учун қарор чиқариб беринг", деб сўраганман".

Бу гапларга изоҳ беришдан тийилиб, Ф. Пирназарова, А. Оқбўтаева, И. Донаеваларнинг коллежда ҳақиқатдан ҳам ишламасликларини маълум қилишни лозим топдик. Шунингдек, Д.Донабоеванинг бошқарма бошлиғи номига ёзган тушунтириш хати билан суддаги кўрсатмаси бир-бирига қарамақарши. Қобилжон Абдуллаевнинг изоҳи эса ҳаммасидан ошиб кетди. Унинг айтишича, Усмон Ҳамроев ишга тиклангач, меҳнат таътилига чиққан. Қ.Абдуллаев эса унинг вазифасини бажариб турган, холос. Шунинг учун М.Ҳошимовадан ишни топширишни сўрамаган...

Холислик нуқтаи назаридан судья Б. Мамадиёровнинг ҳам бу борадаги фикрини билмоқчи бўлдик.

— Ҳал қилув қарори 22 апрел куни кучга киради, — деди Б.Мамадиёров. — Меҳнат Кодексининг 106-моддаси 2-бандига асосан уларнинг ҳар қайсиси ўз ишига тикланди. М.Ҳошимова даволаниш таътилида эканини судга билдирмаган. Гувоҳларни юзлаштириб сўроқ қилиш масаласига келсак, бу ишни Ж.Пўлатов бажарган.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтсак: Судья Б.Мамадиёровнинг хатти-ҳаракати Фуқаролик процессуал Кодексининг 11-моддасида баён этилган «ишни кўриш жараёнида судья алмаштирилган такдирда, иш бошидан қайта кўрилиши керак» деган меъёрга қанчалик мос? Қолаверса, гувоҳлар юзма-юз қилиниб, кўрсатма олинганда фуқаро М.Ҳошимовада норозилик пайдо бўлмасмиди?

Албатта, суднинг ҳал қилув қарорига баҳо бериш мутасаддилар ихтиёрига ҳавола. Эҳтимол, келгусида суднинг ажрими билан суднинг ҳал қилув қароридаги нотўғри ёзилиб кетилган фамилиялар тузатилар. Лекин кўнгил жароҳатини тузатиш имкони бормикан?

Юқорида тилга олинган муаммонинг моҳиятига назар ташласак, барчаси коллеж раҳбарининг ўз ишига совуққонлик билан қараганидан бошлаганига гувоҳ бўламиз. Демак, бугунги кун раҳбари ташаббускор, фидойи ва адолатли бўлиши керак. Ана шу тамойил бузилган жойда турли хил хатоликлар келиб чиқаверади.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ajab savdolar

Johillik kasri

НАДОМАТ

Тонг аллақачон отган эди. Анча эрта уйғонган Ҳубайда болалари, эри билан нонушта қилди, ишларини саранжомсаришта қилди. Сўнг қўшнисининг уйига томон йўл олаётиб, томорқада ўт ўраётган эрига разм солар экан, "Фурқат акам соппа-соғ-ку, нега бундай туш кўрдим?!" — дея хаёлидан ўтказди. Дарвоқе, у кечаси қўрқинчли туш кўрган эди. Тушида уйи томига қандайдир йиртқич қуш келиб қўнибди-ю, оёғига осиқлик тошга ўхшаш думалоқ нарсани ташлаб юборибди. Шундан сўнг кучли портлаш содир бўлиб, уйи аланга ичида қолибди. Ҳубайда болаларини аланга ичидан базўр олиб чиқибди, лекин эрини сира қутқара олмасмиш...

Бу қандай туш бўлди? Фурқат акамни нега бундай ҳолатда кўрдим, деб ўйларди аёл. Лекин у кўрган тушини бировга айтишга сира тили бормасди. Ҳубайда ана шундай ўйлар қуршовида бемор қўшнисининг ҳовлисига бош суқди. Айни шу пайт дунёни ларзага солиб, ўқ товуши эшитилди. Бу мудҳиш товуш унинг ҳовлиси томондан келган эди. Ҳубайда қўрқув ва ваҳимадан тош қотиб қолди, тили калимага келмай уйи томон йўл олди.

Ҳовлиққан куйи ичкарига кираркан, ҳовли ўртасида қип-қизил қонига беланиб ётган эрига кўзи тушди, ҳуши бошидан учди, "дод" солиб юборди.

Бу мудҳиш воқадан хабар топган қўни-қўшнилар Фурқатни зудлик билан касалхонага олиб кетишди. Аммо фурсат ўтган, чап елкасидан оғир жароҳат олган Фурқат Масиров аллақачон жон таслим қилган эди.

Бу мудҳиш воқеа нега рўй берди? Эндигина йигирма беш баҳорни қаршилаган йигитнинг гулдек умрини хазон қилиш кимга керак бўлиб қолди?

Ҳаммаси Баҳром Рўзиев билан қариндоши Байрам Масировнинг қизи Хуснорани ёнма-ён ҳовли-жой олишидан бошланди. Хуснора Баҳромга тегишли ерга икки метр ўтказиб, иморат қурмоқчи бўлади. Баҳром ундан ўттиз минг сўм олиб, оғзаки келишаркан: "Мен бошқа жойдан ҳовли-жой олгунимча иморатингни бошламай турасан", дейди.

Аммо Байрам Масиров ва унинг қизи иморат қуришни бошлаб юборишади. Бундан хабар топган Баҳром Байрам ва Хуснораларга иморат қураётган жойга етиб келади. У Байрам Масировни субутсизликда айблайди. Қурилиш учун келтирилган тахта-ёғочларни ўз еридан олиб ташлайди. Сўнг шу яқин орада ўт ўраётган Байрам Масировнинг ўғли Жўрақулнинг олдига бориб, мен бошқа ҳовли-жой олгунга қадар қурилиш бошламасликка келишган эдик-ку, дея уни ҳақорат қилади. Байрам Масиров ўртага тушиб, ўғли Жўрақул билан қариндоши Баҳромни ажратиб қўяди. Аммо Баҳром ҳали жаҳл отидан тушмаган эди.

У қаттиқ жазавага тушган куйи уйида ноқонуний сақланаётган 16 калибрли ов милтиғига 2 та ўқни жойлаб яна Жўрақулнинг уйи ёнига келади. Ана шу пайт Байрам Масировнинг кичик ўғли Фурқатга унинг кўзи тушиб қолади.

Изоҳ: Баҳром Рўзиев — 1972 йилда Бухоро вилояти, Қоракўл туманида туғилган. Э.Раҳимбердиев номидаги ширкат хўжалигининг Мироб қишлоғида яшайди, маълумоти ўрта. "Рўзибобо" фермер хўжалигида ишчи. Оилали. 2 нафар фарзанди бор.

У жаҳлнинг зўридан буткул ақлини йўқотган эди. Шунинг учун у телбаларча воқеага мутлақо даҳли бўлмаган Фурқатни нишонга олади. Бир зумда борлиқни ларзага солган ўқ мўлжалга бехато тегади. Ҳеч нарсадан хабарсиз Фурқат қип-қизил қонга беланиб, йиқилади.

Изоҳ: Фурқат Масиров — 1978 йилда туғилган. Оилали. Фарзандлари бор.

Мудҳиш жиноят содир этган Баҳром баттар жазавага тушиб, иккинчи ўқ билан Байрам Масировнинг катта ўғли Жўрақулни ҳам тинчитмоқчи эди. Бироқ Жўрақулга қарата отилган ўқ мўлжалга етиб бормайди. Негаки, унга ўрнатилган порох заряди яроқсиз ҳолга келганлиги сабабли ўқ отилган бўлса-да, патронга жойлашган сочма ва қоғоз пижалар милтиқ нилидан чиқмасдан қолади. Баҳром ёвуз ниятини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказа олмайди.

Бор-йўқ воқеа шундан иборат. Қариндошлар икки қадам ер учун бир-бирларининг умрига зомин бўлишди. Бу ҳақда фикр юритиб, беихтиёр ўйга толасан, киши. Баҳром одам ўлдириш гуноҳи азим эканини наҳотки ўйлаб кўрмади? Милтиққа ўқ жойлаётганда ўзига душман ҳисоблаган қариндошлари Жўрақул ва Фурқатнинг бегуноҳлигини наҳотки англаб етмади?

Энг ёмони, бир бегуноҳ кишининг умрига зомин бўлган ерда Хуснора Масирова уйжой қуриб қандай яшаркин?

Фурқатнинг ногаҳоний ўлимидан довдираб, зор қақшаб қолган оиласи, норасида гўдаклари қотилнинг кўз ўнгидан ўтмадими?

Фожиа оқибатида жиноятчи Баҳром Рўзиев одил суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Марҳум Фурқатнинг оиласи, болалари сингари Баҳромнинг ҳам фарзандлари ота меҳри, тарбиясидан мосуво бўлишди. Ҳар икки оиланинг мискин аёллари, норасида гўдакларнинг гуноҳи нима? Улар ҳам бошқалар сингари бахтли, бағри бутун яшашга ҳақли эди-ку? Ер, мол-мулк, бойлик, амал — ҳамма-ҳаммаси инсонийлик, оқибат олдида сариқ чақалик қимматга эга эмас. Шунинг учун одамлар бир-бирини асраб-авайлаб яшаши, меҳр-оқибатли бўлиши шарт. Ана шу ақида унутилган жойда жоҳиллик пайдо бўлади. Буни ҳеч қайсимиз унутмаслигимиз керак.

Самандар САФАРОВ,
ҳуқуқшунос
Лолахон МАНСУРОВА,
журналист

Навқиронлик...

Qilmish-qidirmish

ОХИРИ ВОЙ "ОПЕРАЦИЯ"

Гулистондаги бир идорага Акром деган маҳалладоши билан бориб қайтаётиб, Норбек ўзида қандайдир қанот ўсиб чиқаётганини сезди. Ўша идорада уларга "хорижга бориб ишлаш учун квота тугаган, кейин ҳужжатларни тўғрилаб келарсизлар", деб қайтариб юборишгандами ёки Акром "барча ҳужжатларни ўзинг тўғрила, қанча харажат кетса, мана мен бераман" дегандами, ишқилиб, Норбек "парвоз" учун вақт етилганини англади.

Тезда парвоз учун сабаб чиқиб қолди. Дўсти Алишер тўй қилаётганмиш. Норбекда эса тўёна учун мири ҳам йўқ. Шунда калласида "Акромдан олиб турса, бўлармикан", деган ўй пайдо бўлди. Иккиланиб борган эди, Акром уйда йўқ экан. Қуруқ қайтишни истамаган Норбек Акромнинг уйдагиларига дилини ёрди:

— Хорижга ҳужжатларни тўғрилайвер, пулни мен бераман, деганди. Ҳозир шунга кетаяпман, жуда зарур эди-да. Ўттиз минг бўлса, етарди.

Акромнинг уйидагилар дарҳол айтилган пулни беришди. Шунда Норбек ўз қилмишига «хориж операцияси» деб ном қўйди.

Тўйда Норбек тўёнаям берди, қолганини отарчилар ўйинчисига кистириб, манзилини ҳам сўраб олди. У Жиззах вилоятининг Пахтакор шаҳрида турар экан.

Борини тўйда сарфлаб келган Норбек яна ўйлай бошлади: энди нима қилиш керак? Яна бориб, ҳужжатларни тўғрилаш учун пул етмаяпди деса-чи? Аҳлингга балли, худди шундай қилади. Энди кўпроқ сўраш керак, майда пул шубҳа уйғотади. Бу сафар дадилроқ пул сўради. Ҳеч иккиланмай беришди. Чунки Акромнинг уйидагилари хурсанд эди. У хорижга бориб ишласа, кўп пул топиб келиши мумкин-да.

Шу тариқа қўлига пул тушган Норбек Пахтакорга йўл олди. Ўйинчи қиз Умида билан роса маишат қилиб, қолган пулни унинг қўлига тутқазди. Бу эса уларни янада яқинлаштирди. Норбек ҳар борганида 30-40 минг сўм пул бериб юрди. Ҳар safар, албатта, пулни Акромларникидан олиб кетарди.

Бир safар кутилмаган воқеа рўй берди. Акромнинг акаси Баҳром келиб "укамнинг иши нима бўлаяпти" деб суриштириб қолди.

— Ака, ҳаммаси "ест" бўлаяпти. Деярли, тап-тайёр. Ҳаммаёқ "мойланган", созланган. Ҳозир нафақат укангиз, ўзингизниям хорижга жўнатиб юборишга қурбим етади. Фақат «ҳалигиси»дан қочмасангиз бўлди. Хорижга йўл очилсин. «Квота» келса, биринчи навбатда кетамиз. Ҳатто Тошкент билан ҳам гаплашиб қўйдим.

Баҳром шу гапдан кейин бўшашиб қолди. Униям хорижга боргиси келиб юрган экан. Харажатига рози бўлиб кетди. Шу кунлари Жиззахда яна Умида учраб қолиб, «акажон, 30 минг беринг», деса бўладими? Норбек "кечгача етказиб келаман" деди-ю, яна Пахтаобод томон қайтиб учди. Келди-ю ўйлаб қолди: Акромникига бораверишми энди хавфли, шундоғам 120 мингини олиб қўйибди. Яхшиси, янги "мижоз" Баҳром акадан олади.

Ҳужжат учун керак бўлаяпти, деб Баҳромдан 50 мингни олди-ю, Пахтакорга «парвоз қилди». Янги "канал" топилганидан хурсанд бўлган Норбек сўниб қолаёзган базму жамшидни яна авжига чиқарди. Деярли икки ойда Баҳромдан 800 мингни олиб қўйди.

Энди фирибгарликни тўғридан-тўғри давом эттираверишми хавфли эди. Боз устига ака-укалар берган маблағ "лимит"дан ошиб кетганди. Пахтакорга «парвоз» учун эса яна-яна пул зарур. Наҳотки, у маишатидан, «парвози»дан маҳрум бўлиб қолаверса?! Нима қилиш керак?

— Баҳром ака, яқинда виза билан бир корейс бола келади. Ўзи билан самолётга битта ошиқча билет ҳам олиб келар экан. Ўзимиз билан олиб кетгани яна бир йигит керак. Шуни сиз топинг.

Баҳром уни Алиқул деган йигит билан учраштириб қўйди. Янги "мижоз" «ҳозир уйда пул йўқ, агар сабр қиласангиз, икки кунда тўғрилаб келаман», деди. Бундан Норбек бироз ранжиди, ичида «пулинг йўқ бўлса, чет элда нима қиласан», деб қўйди. Лекин икки кундан кейин Пахтакорда бўладиган базму жамшидни кўз олдига келтириб, тезда ҳовуридан тушди.

Маишатдан бўш вақтида Норбекнинг хаёлига бир фикр келди. Дарҳол "мижоз"ларни тўплаб Тошкентга олиб борди. Роса айлантириб, томоша қилдирди. Ҳатто уларни соя-салқинга ўтқазиб қўйиб, турли идораларга ҳам кириб чиқди ва хориж билан ишлаётган бутун идоралар ҳозир фақат Пахтаобод ташвиши билан яшаётганини тантана билан маълум қилди. Бу ҳол икки-уч марта такрорланди. Алиқулнинг хотини Жамила томорқа ерини, тикув машинасини соттирди, қайни акаларидан қарз олиб, Норбек сўраган пулни берди. Янги "мижоз" чиқарвермагани учун бу "лимит" ҳам тугай бошлади.

Бу дунёда ҳар нарсанинг чегараси ва меъёри бор. Норбекнинг «операцияси» ҳам қутилмаганда охирига етди. Тоқати тугаган "мижоз"лар безовта бўлиб, ҳужжат ва паспортларни қайтариб беришни талаб қилиб қолишди. Маълум бўлдики, Норбек ҳужжатларга ҳали қўл теккизмаган ҳам экан. Шу орада бу ғалати «операция» билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қизиқиб қолди.

Албатта, фирибгар қилмиши учун қонуний жазога тортилди. Аммо кишини масаланинг бошқа томони ўйлантиради: Акром Баҳром, Алиқул сингари кишилар нега Норбекнинг тузоғига оппа-осон тушиб қолишди? Наҳотки, улар мутасадди идоралар бир четда қолиб, оддий ҳайдовчи бўлган Норбекка ишонишди? Ахир, уларнинг ўзи фирибгарнинг тегирмонига сув қуйишган-ку? Демак, ҳуқуқий жиҳатдан саводсизлик уларга панд берди. Баён этилган воқеа ана шундай жиҳатлари билан бошқаларга сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Вафокул НОРБЕКОВ,
ҳуқуқшунос
Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Самарқанд вилоят Адлия бошқармаси хузуридаги Малака комиссиясининг 2003 йил 15 апрелдаги қарори билан фуқаро Пардаев Омон номига берилган SA 000037 серияли, 37 рақам билан давлат реестрида қайд этилган нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия БЕКОР ҚИЛИНДИ.

Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департамент жамоаси масъул ходим Рихсибой Қўчқоровга падари бузруквори
Азиз ота ҚЎЧҚОРОВнинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Falsafa va qonun



ГОТФРИД ЛЕЙБНИЦ: МАНГУЛИККА ДАХЛДОРЛИК

Фалсафа тарихида ўз фаолияти ва асарлари, улкан ғоялари билан илм-фан тараққиётига катта таъсир кўрсатган мутафаккирлар бармоқ билан санарли. Ана шундай алломалар орасида немис файласуфи ва олими Готфрид Вильгелм Лейбниц алоҳида ўрин тутади.

Лейбниц 1646 йилнинг 1 июлида Лейпцигда, маҳаллий дорилфунун профессори оиласида дунёга келади. Унинг она томонидан авлоди зиёли кишилар, яъни дорилфунун ҳуқуқшунослари, илоҳиётшунослари эди. Бундай зиёли оилавий муҳит ёш Готфриднинг дунёқараши шаклланишига ўз таъсирини кўрсатди. Бунинг устига болалик чоғидан у тиришқоқ ва илмга чанқоқлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Шу боис унинг иқтидори жуда эрта кўзга ташланди. У ўқувчилик йиллари ва Лейпциг дорилфунунида таҳсил олиш чоғида мантиқ илмига қизиқиб қолди. Ўша кезларда унда одамзод фикрлар оламининг "умумий алфавити"ни тузиш истаги туғилди. Лекин орадан кўп ўтмай у математикани чуқур ўрганиш мақсадида Йен дорилфунунига йўл олди. Лейбницнинг бу дорилфунунда олган билимлари унинг маънавий олами бойишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Лекин ўз дорилфунунига қайтгач, у ҳуқуқшунослик бўлимини маъқул топди. У ўша пайт Олмонияси тараққиётида ҳуқуқшунослик илмининг аҳамияти муҳим экани туфайли ҳам шу соҳани танлайди. У юриспруденция билан қизиқиш баробарида мантиқ илми ва математикани ҳам ташлаб қўймади.

Лейбниц 1666 йилда Нюрнбергдаги Альтдорф дорилфунунида "Чигаллашиб кетган суд иши" мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. Бу илмий иш нафақат дорилфунун профессорлари, балки ўша давр ҳуқуқшуносларининг ҳам эътибрини тортди. Лейбницни дорилфунун ҳуқуқшунослик профессори даражаси кутиб турарди. Лекин у дорилфунун муаллими лавозимини ҳам, хотиржам ва етишмовчиликсиз кечиши мумкин бўлган ҳаёт йўлини ҳам танламайди. Ўзининг иккинчи диссертациясини ёқлагач, Майн курфюристи ва тўраси, вазир, таниқли сиёсатдон барон Бойнебург идорасига хизматга киради. Бу ерда Лейбниц ўша давр Олмонияси қонунчилиги ва ҳуқуқ тизимини назарий жиҳатдан тартибга келтириш ишлари билан шуғулланади. Лейбниц ана шу иш билан шуғулланаркан, Олмониядаги тараққий этган мутлақ князлик тарафдори сифатида давлат қонуни ва қонунчилиги ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқди. **"Олмония ўз қонунчилигини такомиллаштирибгина Оврўпадаги буюк мамлакатлар қаторидан ўрин олиши мумкин. Фақат инсонпарвар қонунлар мажмуи билан инсоният тараққиётига хизмат қилиш мумкин"**, дейди Лейбниц вазирликдаги бир йиғилишда.

Майнда Лейбницнинг кўп томонлама иқтидори намоён бўлди. Ёш, аммо ўта истеъдодли Лейбниц публицист сифатида ҳам Бойнебургнинг баъзи сиёсий ва дипломатик фаолиятига ўз баҳосини берди, Майн курфюристлик вазирлиги амалга ошираётган ишлар ҳақида маҳаллий ахборот воситаларига мақолалар тайёрлайди. Бойнебург билан ҳамкорлик чоғида у айрим умумгерман вазифаларини амалга ошириш нечоғли мушкул эканини тушуниб етади, яна бу вазифалар келажакдаги тараққиёт учун қанчалар зарур аҳамиятга эга эканини, ёшлар ва мамлакат келажаги тарафдори бўлган барон Бойнебург бу ўта долзарб муаммолар устида қанчалар куюнчаклик билан бош қотираётгани унга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Кейинчалик матбуотда "Барон Бойнебург ўгитлари" сарлавҳаси остида илмий-публицистик мақоласини эълон қилдиради.

Болалик йилларида Лейбниц онасининг таъсири остида диний тарбияни ҳам чуқур эгаллади. Лекин Майнда яшаган даврида илоҳиётшунос сифатида олиб борган фаолияти ўша давр Олмонияси ва Оврўпанинг сиёсий-ижтимоий муаммоларини ечишга қаратилганди. Бойнебург ва Лейбниц ўз мамлакатидаги диний бирликни орзу қилганди. Бу диний бирлик эса Олмониянинг мустаҳкам яхлитлигини таъминларди. Лекин Лейбницнинг илоҳиётшунослик борасидаги қўллаб асарлари ва мактублари фалсафий йўналишда бўлгани учун ҳам фалсафашунос ва илм аҳлининг диққат-эътиборини ўзига қаратди.

Майнда кечган йилларда у Галилей, Гюйгенс, Паскал, Бойл, Декарт каби олим ва файласуфларнинг аниқ фанларда эришган улкан ютуқларидан ҳайратланиб, уларнинг асарларини тинмай мутолаа қилади. Ўзи ҳам табиат сирларини метафизик нуқтаи назардан чуқур ўрганувчи механика фани билан жиддий шуғулланади ва унинг асосий тамойилларини ўзлаштиради. Ана шу соҳага оид икки қисмли "Янги физикавий фараз" номли илк йирик асарини эълон қилдиради. Мазкур асарининг биринчи қисми "Абстракт ҳаракат назарияси" бўлса, иккинчи қисми "Муайян ҳаракат назарияси" эди. Ҳар икки асар ақлни лол қолдирар даражада табиий ёзилган бўлиб, иккинчисидаги айрим фикрлари картезиан фалсафаси таъсири остида шаклланганини кўриш мумкин эди. Лейбниц бу асарларидан бирини Лондон Қироллик жамиятига, иккинчисини эса Париж фанлар академиясига жўнатади. Тез орада унинг номи нафақат бу икки мамлакатда, балки Оврўпанинг бошқа мамлакатларига ҳам ёйилади. У мактублар орқали кўплаб давлат арбоблари, файласуфлар, олимлар билан баҳс-мунозарага киришади.

Лекин бундай мактублар орқали мулоқотнинг аҳамияти қанчалар муҳим бўлишидан қатъи назар улар шахсий учрашув ва алоқанинг ўрнига ўтмасди. 1672 йилда у дипломатик топшириқ билан Парижга боради. Бу пайтда Париж файласуфлар, илоҳиётшунослар, адабиётчилар, илм аҳли марказига айланганди. Бу ерда у Бойл билан танишади. Яна голланд математиги ва файласуфи Христиан Гюйгенс билан мулоқотда бўлиб, Декарт, Паскал каби олимларнинг илмий-фалсафий ижодига тўғри баҳо беради. Ана шу йиллари "Инсон идроки ҳақида янги тажрибалар" фалсафий китобининг бир неча қисмларини ёзиб тугатади.

Шунингдек, "Декарт хатосининг қисқа исботи" сарлавҳали мақоласини чоп эттиради. 1676 йилда Фарангистондан Олмонияга қайтишда у Лондонда тўхтайди. У ердан Голландияга ўтади. Гаагада у улуғ файласуф Барух Спиноза билан танишади. Спинозага ўзининг "Инсон идроки ҳақида янги тажрибалар" фалсафий асарининг "Ғоялар ҳақида", "Сўзлар ҳақида", "Билим хусусида" қисмларини кўрсатади. Спинозада, айниқса, Лейбниц асарининг "Билим хусусида" қисми катта таассурот қолдиради. Ўз навбатида Лейбниц ҳам буюк испан файласуфи асарларига катта баҳо беради. 1677 йилда бешафқат ўлим Спинозани боқий дунёга олиб кетгач, Лейбниц унинг немис тилида нашр этилган "Сўнгги асарлар" китобига сўзбоши ёзади.

1676 йилда Лейбниц Ганновер герцоглари хизматига ўтади. Бу герцоглардан учинчиси Георт Людвиг унга ўзи мансуб бўлган Вельфлар хонадони тарихини ёзишни топширади. Лейбниц муаррихлик иши билан анча йиллар шуғулланади, аммо сарой ҳаётини ёзиш унга ўзи ўйлаган маънавий озуқасини беравермагач, у бу ишни йиғиштириб, яна ҳуқуқ ва қонуншунослик, фалсафа ва иқтисод, сиёсатга оид мақолалар, илмий рисолалар, мактублар ёзишга киришиб кетади. "Тартиб-интизом ҳақида", "Воқеа-ҳодисаларнинг келиб чиқиши", "Табиат ёхуд табиий кучлар", "Сиёсат борасида", "Фалсафани тараққий топтириш йўллари", "Озодлик ҳақида икки ҳақиқат", "Лейбниц-Бойлга", "Костуга мактуб", "Кларкка ёзишмалар" шулар жумласидандир.

1700 йилда Берлин илмий жамияти очилгач, Лейбниц унинг биринчи президенти қилиб сайланди. Шунингдек, Париж фанлар академиясининг аъзоси қилиб ҳам сайланди. Унинг кўмаги остида Италияда физика-математика академияси очилди. Лейбниц Римдалигида Ватиканга ёзма мурожаат этиб, Коперник таълимотига таъқиқни бекор қилинишини сўрайди ва улуғ алломанинг ижоди расман оқланишига ҳисса қўшди.

Готфрид Лейбниц 1716 йилнинг 14 ноябр куни Ганноверда оламдан ўтди. Лекин унинг ўлимига ўзи бир неча йиллар президенти бўлган Берлин фанлар академияси ва Вена илм аҳли кўп ҳам аҳамият бермади. Фақат Париж фанлар академияси унинг фалсафий-адабий, илмий меросига катта аҳамият бериб, мутафаккир оиласига чуқур таъзия изҳор қилди. Кейинчалик, Франгистон қомусининг муаллифи Дидро Лейбниц ҳақида "У Олмония учун баайни Афлотун қадим Юнонистон учун қандай аҳамиятли бўлса, шунчалик зарур ва аҳамиятли эди", деган фикрини билдирганди.

Дидро ибораси билан айтганда, ҳаёти поёнига етганда ўз юртида қадр топмаган Лейбниц қарийб тўрт асрдан сўнг нафақат Олмонияда, балки бутун дунёда шуҳрат қозонди. Бутун дунё мамлакатларида унинг илмий-фалсафий, адабий меросининг, сиёсий-ижтимоий фаолияти қизиқиб ўрганилмоқда, фалсафашунослар, тадқиқотчилар, ихлосмандларининг меҳрини қозонмоқда. Шундан хулоса қилган ҳолда, Готфрид Лейбниц ва у қолдирган таълимот мангуликка дахлдордир десак, асло хато эмас.

Аббос САИД

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Ҳуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ҳолли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-921. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 136-72-37 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50